



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ
ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ “МИЛЛИЙ ҒОЯ, МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ
ВА ҲУҚУҚ ТАЪЛИМИ” ЙУНАЛИШИ 401-ГУРУХ ТАЛАБАСИ**

Сотиболдиев АббосНИНГ

REFERAT

**МАВЗУ: Жамиятнинг маънавий юксалишида Юсуф Хос Ҳожиб
маънавий меросининг тутган ўрни.**



Илмий раҳбар: _____Юсупов Т

Кафедра мудири: _____Собирова М.

Тошкент-2014

**МАНЗУ: Жамиятнинг маънавий юксалишида Юсуф Хос Ҳожиб
маънавий меросининг тутган ўрни.**

Режа:

Кириш

**I-боб Ўзбекистон Президенти И.А. Каримовнинг маънавият
масалаларига эътибори**

1.1 Маънавият– инсонинг улуғлаш ва кудрат манбаидир

1.2 Мустақиллик -маънавий тикланиш ва юксалиш

**II-боб Жамиятнинг маънавий ҳаётида Юсуф Хос Ҳожибнинг
тутган урни**

2.1 Юсуф Хос Ҳожибнинг миллий маънавиятимиздаги ўрни

**2.2 Юсуф Хос Ҳожиб асарларининг бугунги кундаги
аҳамияти**

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Барча замон ва маконларда маънавияти кучли, ишонч ва эътиқоди мустақкам миллат бир жону бир тан бўлиб, муаммоларни тез ва соз ечган, пешқадам бўлган.

Мустақиллик туфайли бизнинг маънавий кадриятларимиз, ўтмиш аجدодларимиз қолдирган мерос, ўзининг бутун мукамаллигида тиклана бошлади. Қуръони карим, ҳадиси шарифлар биринчи марта ўзбек тилига таржима қилиниб, нашр этилди, Юсуф Хос Ҳожиб, Носириддин Рабғузӣ, Аҳмад Яссавий, Убайдий, Муҳаммад Раҳимхон Фируз, Бурхониддин Марғиновий, Абу Мансур Мотуридӣ, Беҳбудӣ, Фитрат, Чўлпон ва бошқа “совет даврида” ҳатто номларини эслаш ман қилинган алломаларимизнинг асарлари бирин-кетин нашр этилиб, чанқоқ китобхонлар қўлига етиб кела бошлади. Давлат тили ҳақидаги қонун қабул қилинди. Тасаввуф пирлари - Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Баҳовуддин Нақшбанд юбилейлари миллатимизнинг руҳида покланиш туйғуларини уйғотди. Тарих хотираси, халқнинг, жонажон ўлканинг, давлатимиз ҳудудининг холис ва ҳаққоний тарихини тиклаш миллий ўзликни англашни, таъбир жоиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида ғоят муҳим ўрин тутди. Тарих миллатнинг ҳақиқий тарбиячисидир. Буюк аجدодларимизнинг ишлари ва жасоратлари тарихий хотирамизни жонлантириб, янги фуқаролик онгини шакллантирмоғи зарур. Бизнинг ўтмиш маданиятимиз бутун инсониятни ўзига ром этиб келаётган марказ бўлиб келаётганлиги тасодифий эмас. Ўз халқига, унинг анъаналарига, тили ва маданиятига муҳаббат ва ҳурматни тарбияламасдан туриб, ҳақиқий инсонни тарбиялаш мумкин эмас. Ватанпарварлик, фуқаролар яқдиллиги — ёш ва мустақил Ўзбекистон давлати барпо этилаётган негиздир. Айтиш керакки, шу нарсани қайта ўзгартириш йўлидаги қийинчиликларни енгиб ўтишга, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликка эришишда ёрдам беради. “Жамиятнинг маънавий юксалишида Юсуф Хос Ҳожиб маънавий меросининг тутган ўрни” мавзусини ўрганиш ҳозирги кунда долзарб масала ҳисобланади.

Мавзунинг мақсади: “Маънавият” тушунчасининг мазмуни, - деб ёзади И.Каримов, - фақат “маъни”, “маъно” деган сўзлар доирасида чегараланиб қолмайди”, “инсонни инсон қиладиган, унинг онги ва руҳияти билан чамбарчас боғланган бу тушунча ҳар қайси одам, жамият, миллат ва халқ ҳаётида ҳеч нарсани билан ўлчаб бўлмайдиган алоҳида ўрин тутди”⁴.

Ҳаётнинг маъноси деб онгли инсоннинг яшашдан кўзлаган мақсади, унинг умри, ҳаёт фаолиятининг умумий йуналишини англаш жараёнига айтилади.

⁴Ислом Каримов «Юксак маънавият-енгилмас куч Т-2008

Инсон ҳаётининг маъноси — бу унинг ҳаётининг бутун бош йулидирки, кишининг конкрет мақсадлари ана шунга боғлиқ бўлади, Инсон фақат еб-ичиш, зурриёт қолдириш тирик эмас, меҳнат қилиш, жамиятда яшаш, ўзидан бошқа кишилар билан ижтимоий муносабатда бўлиш жараёнида у инсон сифатида шаклланади, ўсиб-унади, талант ва истеъдодларини намоён қилади.

Мавзунинг вазифаси:

Ватан бахти, шахс бахти, меҳнат бахти, ёр бахти, оила бахти, фарзанд бахти, қарилик бахти ва бошқалар. Лекин буларнинг ҳаммаси, инсон бахти, унинг фаровон, тўқ, соғлом оила ва фарзандли бўлиб, узоқ умр кўриши кабиларда кўринади. Қадимда бир донишманддан "Одамни нима бахтли қилади, бойликми ёки шон-шухратми?" — деб сўрабдилар. "Бойлик ҳам, шон-шухрат ҳам одамни бахтли қила олмайди. Тан-жони соғ гадо ҳар қандай бой одамдан бахтлироқдир" — деб жавоб берибди донишманд. Инсоннинг бахтли бўлишида сиҳат-саломатлик билан бирга ёшликдан яхши, аъло ўқиш, касб-хунар эгаллаш, ижтимоий фойдали меҳнат қилиш, оилали, уйли-жойли, фарзандли бўлишга, жамоа ва жамиятда обрўга эга бўлиш ва ҳоказо шартларнинг аҳамияти катта. Жумладан, Президентимиз И.А. Каримов айтганидек: "Фарзанд кўриб, ота бўлиш, она бўлиш бахтдир". Айни пайтда ҳамма нарсаси бўла туриб, обрўси бўлмаган инсон дунёда энг бахтсиздир. Демак, бахт деб инсон эга бўлиши лозим бўлган соғлом, ўз ҳаётининг беками-кўстлиги, маънавияти, ахлоқли, обрў-этиборли, барқарор, хушчакчак, боқий умр кечиришига айтилади. Инсонга бахт ўз-ўзидан келмайди, ғойибдан келадиган бахт йўқ. Бахтни совға қилиб бўлмайди. Ҳар бир инсон ўз бахтини ҳалол меҳнати, тинч-тотув яшаш, касбкор, илм-фан, техника ютуқларини эгаллаши билан топади. Демак, бахт-инсонлар орасидан муносиб ўрин топиш, ўзининг ҳалол меҳнати, ўзгаларнинг юкини енгил қилиш, она халқи орасида номи ардоқ билан тилга олиниши, эл фаровонлиги учун қўшган ҳиссаси, келажак авлодларга қолдира олган тухфасидир⁶. Биз одатда маънавият ҳақида, унинг маъно-мазмуни, ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти ҳақида кўп гапирамиз. Лекин негадир аксарият ҳолларда кўпчилик маънавият ўзи нима, деган саволга аниқ ва лўнда жавоб беришга қийналади. Мен бундай ҳолатга ўз шахсий тажрибамда кўп бор гувоҳ бўлганман. Масъул раҳбарлик лавозимларига номзодларни танлашда ўтказиладиган суҳбат жараёнида уларнинг профессионал малакаси, билими, ташкилотчилиги, ҳаётий тажрибаси, инсоний фазилатлари билан бир қаторда маънавий савиясига ҳам алоҳида эътибор қаратаман.

⁶ Абдуллашар «Ахлоқшунослик»

I-боб Ўзбекистон Президенти И.А. Каримовнинг маънавият масалаларига эътибори.

1.1. Маънавият— инсонинг улуглаш ва кудрат манбаидир

Биз одатда маънавият ҳақида, унинг маъно-мазмунни, ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти ҳақида кўп гапирамиз. Лекин негадир аксарият ҳолларда кўпчилик маънавият ўзи нима, деган саволга аниқ ва лўнда жавоб беришга қийналади. Масъул раҳбарлик лавозимларига номзодларни танлашда ўтказиладиган суҳбат жараёнида уларнинг профессионал малакаси, билими, ташкилотчилиги, ҳаётий тажрибаси, инсоний фазилатлари билан бир қаторда маънавий савиясига ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Ва кўп ҳолларда, маънавият ҳақида бериладиган саволларга ҳар хил, баъзан эса бир-бирига қарама-қарши, қандайдир ноаниқ, саёз жавобларни ҳам эшитишга тўғри келади.

Албатта, «маънавият» тушунчасининг илмий, фалсафий, адабий ёки оддий тидда ифодаланадиган кўплаб таърифларини келтириш мумкин. Умуман, ўзида жуда чуқур ва кенг қамровли маъно-мазмунни мужассам этган бу тушунчага ҳар қайси маърифатли инсон ўзининг фалсафий ёндашуви, сиёсий қарашлари ва эътиқоди, онгу тафаккуридан келиб чиққан ҳолда турлича таъриф ва тавсифлар бериши табиий. Шунинг учун ҳам бу масала бўйича илмий адабиётларда, кундалик матбуотда бир-биридан фарқ қиладиган фикр-мулоҳазаларни учратганда бундан таажжубланмасдан, уларни ҳар қайси муаллифнинг ўзига хос дунёқараши, мушоҳада тарзи ифодаси сифатида қабул қилиш ўринлидир.

Шу нуқтаи назардан қараганда, кейинги йилларда бу мавзуда олимларимиз томонидан тайёрланган илмий рисоалар, ўқув қўлланмалари, луғатларда «маънавият» тушунчаси ва унинг асосий тамойилларига ўзига хос таърифлар бе-рилаётганини кузатиш мумкин. «Маънавият» тушунчасининг мазмуни фақат «маъни», «маъно» деган сўзлар доирасида чегараланиб қолмайди. Нега деганда, инсонни инсон қиладиган, унинг онги ва руҳияти билан чамбарчас боғланган бу тушунча ҳар қайси одам, жамият, миллат ва халқ ҳаётида ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган алоҳида ўрин тутати.

Шу фикрни мантиқий давом эттириб, маънавият — инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган бекиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир, десак, тарихимиз ва бугунги ҳаётимизда ҳар томонламаўз тасдиғини топиб бораётган ҳақиқатни

якқол ифода этган бўламиз.

«Маънавият» тушунчаси жамият ҳаётидаги ғоявий, мафкуравий, маърифий, маданий, диний ва ахлоқий қарашларни ўзида тўла мужассам этади. Шунинг учун ҳам бу мавзуда фикр юритганда, мазкур қарашларнинг барчасини умумлаштириб, кенг маънодаги «маънавият» тушунчаси орқали ифода этиш мумкин. Маънавиятнинг негизи ва маъно-мазмунини белгилайдиган асосий хусусиятлар, биринчи галда инсоннинг рухий покланиши ва қалбан улға-йиши ҳақида гапирар эканмиз, бир масалага алоҳида эътибор беришимиз лозим.

Албатта, бу дунёда ҳалол ва пок яшашни ўзи учун ҳаётий эътиқод, олий мақсад деб билади-ган одамлар кўпчиликни ташкил қилади. Айнан ана шундай инсонлар ва уларнинг эзгу ишлари туфайли бу ёруғ оламда маънавият ҳамиша барқарор бўлиб келади.

Лекин, бундай олижаноб фазилатлардан бутунлай узоқ бўлиб яшайдиган, ҳаётнинг маъно-мазмунини ўзича талқин қиладиган шахслар ҳам оз эмас. Минг афсуски, улар ўзини худдики дунёнинг ҳақиқий эгасидек, бекаму кўст, бошқаларнинг ҳавасини тортадиган умр кечираёт-гандек, бахт куши бошига қўнгандек ҳис қилишга уринади.

Табиийки, бундай ҳолатларни кўрибкузатиб, ўзи учун эзгу ниятларни юксак мақсад қилиб қўйган инсонлар қалбида қандайдир иккиланиш ва шубҳа пайдо бўлиши мумкин. Одамларни ўйлантириб қўядиган бундай ҳолатлар ҳаётда кўп учрайди. Бунга қандай изоҳ бериш мумкин?

Ҳаммамизга маълумки, муқаддас китобларимиз ва қадриятларимиз, буюк мутафаккир аждодларимиз мероси бизни доимо ҳалол меҳнат билан яшашга, мардлик, саховат ва камтарликка чақиради, лекин, шу билан бирга, ҳаётда бу каби даъватларга амал қилишга интиладиган одам кўпинча турли қийинчиликлар, ҳатто азобу уқубатларга дуч келишини кузатиш қийин эмас. Тан олиш керакки, юксак маънавий тушунчалар билан яшашга ҳаракат қиладиган одамнинг бугун ҳам кўп машаққатларни, оғир синов ва тўсиқлар, муаммоларни енгиб ўтишига тўғри келади.

Маънавиятнинг яна бир муҳим хусусияти одамнинг ички дунёси ва иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қилишида ёрқин намоён бўлади.

Виждон поклиги ва бедорлиги асрлар, замонлар оша инсон маънавиятининг таянч устунларидан бири бўлиб келмоқда. Жамият ҳаётида адолат ва ҳақиқат, меҳр-шафқат, инсофу диёнат каби тушунчаларни қарор топтиришда айнан мана шу омилнинг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Виждони уйғоқ одам ён-атрофида бўлаётган воқеаларга, ёрдам ва кўмакка муҳтож инсонларнинг муаммоларига, адолатнинг топталишига бефарқ қарай

олмайди. Айниқса, эл-юрт манфаатига зарар етказадиган ёвуз хатти-харакатларга Ҳеч қачон четдан жим қараб туролмайди, ўз юрти ва халқига нисбатан хиёнат ва сотқинликни аслоқабул қилолмайди. Бундай ҳолатларни кўрганда виждони қийналади, доимо ёниб-куйиб яшайди, қандай қилиб бўлмасин, уларни бартараф этишга интилади, керак бўлса, бу йўлда ҳатто жонини ҳам фидо қилади.

Чиндан ҳам, агар одамзот бу дунёда руҳан пок бўлиб, иродаси бақувват, иймони бутун, виждони уйғоқ бўлиб яшамас экан, инсон ҳаётининг қандай маъноси қолади? Мана шу савол ҳар бир соғлом фикрлайдиган одамни ҳамиша ўйлантириши, сергакликка чорлаб туриши зарур.

Бундай эзгу мақсадларга эса, фақат юксак маънавият, узлуксиз маънавий тарбия орқалигина эришиш мумкин. Маънавият инсоннинг қон-қони, суяк-суягига йиллар давомида она сути, оила тарбияси, аجدодлар ўғити, Ватан туйғуси, бу ҳаётнинг баъзида аччиқ, баъзида қувончли сабоқлари билан қатра-қатра бўлиб сингиб боради. Айниқса, табиатга, одамларга яқинлик, доимо яхшиликни ўйлаб яшаш, ҳалол меҳнат қилиш, дунёнинг тенгсиз неъмат ва гўзалликларидан баҳраманд бўлиш маънавиятга озиқ беради, уни янада кучайтиради.

Маънавиятни тушуниш, англаш учун аввало инсонни тушуниш, англаш керак. Шунинг учун ҳам ўзлигини, инсоний қадр-қимматини англаб етган ҳар қандай одам бу ҳақда ўйламасдан яша-шини тасаввур қилиш қийин.

Маънавиятни шакллантирадиган асосий мезонлар

Биз миллий маънавиятни ҳар томонлама юксалтириш масаласини ўз олдимизга асосий вазифа қилиб қўяр эканмиз, бугунги кунда маънавиятимизни шакллантирадиган ва унга таъсир ўтказадиган барча омил ва мезонларни чуқур таҳлил қилиб, уларнинг бу борада қандай ўрин тутишини яхши англаб олишимиз мақсадга мувофиқ бўлади.

Албатта, ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, куҳна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

Бу кўҳна тупроқда милодгача бўлган даврда ва ундан кейин қурилган мураккаб сув иншоотлари, ҳали-ҳануз ўзининг кўрку тароватини саклаб келаётган осори атиқаларимиз қадим-қадимдан ўлкамизда деҳқончилик ва ҳунармандчилик маданияти, меъморлик ва шаҳарсозлик санъати юксак даражада ривожланганидан далолат беради. Мамлакатимиз ҳудудида мавжуд

бўлган тўрт мингдан зиёд моддий-маънавий обида умумжаҳон ме-росининг ноёб намунаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Аждодларимиз тафаккури ва даҳоси бштан яра-тилган энг қадимги тошёзув ва битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, бугунги кунда кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган минг-минглаб қўлёзмалар, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, минералогия, кимё, астрономия, меъморлик, деҳқончилик ва бошқа соҳаларга оид қимматбаҳо асарлар биз-нинг буюк маънавий бойлигимиздир. Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда камдан-кам топилади.

Ота-боболаримизнинг асрлар давомида тўплаган ҳаётий тажрибаси, диний, ахлоқий, илмий, адабий қарашларини ифода этадиган бу каби тарихий ёдгорликлар орасида бундан қарийб уч минг йил муқаддам Хоразм воҳаси ҳудудида яратилган, «Авесто» деб аталган бебаҳо маънавий обида алоҳида ўрин тутди. Авваламбор, шуни айтиш жоизки, олис ота-боболаримизнинг ақл-заковати, қалб қўри маҳсули бўлмиш бу ноёб ёдгорлиkning замон тўфонларидан, қанчадан-қанча оғир синовлардан ўтиб, бизнинг давримизгача етиб келганининг ўзида катта маъно мужассам. Бундай ўлмас осори атиқалар бу кўҳна ўлкада, бугун биз яшаб турган тупрокда қадимдан буюк маданият мавжуд бўлганидан гувоҳлик беради. Ана шундай тарихий ёдгорлик намуналари билан яқиндан танишар эканмиз, уларда ифода этилган теран фикр ва ғоялар, ҳаёт фалсафаси бизни бугун ҳам ҳайратда қолдиришига яна бир қарра амин бўламиз.

Мисол учун, «Авесто»нинг туб маъно-моҳиятини белгилаб берадиган «Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал» деган тамойилни оладиган бўлсак, унда ҳозирги замон учун ҳам беҳад ибратли бўлган сабоқлар борлигини қўриш мумкин. Ана шундай фикрлар, яъни, эзгу ният, сўз ва иш бирлигини жамият ҳаётининг устувор ғояси сифатида талқин этиш бизнинг бугунги маънавий идеалларимиз билан нақадар узвий боғлиқ, нечоғлиқ мустаҳкам ҳаётий асосга эга экани айниқса эътиборлидир.

Маълумки, бу дунёда ҳар қайси миллатнинг ўз афсонавий қаҳрамонлари, ўзи севиб ардоқ-лайдиган паҳлавонлари бўлади. Халқимиз азалдан ўз вужуди, ўз томирида мавжуд илоҳий қудратга муносиб бўлмоққа интилиб, ўз ўғлонларини мардлик ва ҳалоллик, жасурлик руҳида, эл-юрт учун жонини ҳам аямайдиган асл паҳлавонлар этиб тарбиялаб келган.

Шу маънода, халқ оғзаки ижодининг ноёб дур-донаси бўлмиш «Алпомиш» достони миллатимизнинг ўзлигини намоён этадиган, авлодлардан авлодларга ўтиб келаётган қаҳрамонлик қўшиғидир. Агарки халқимизнинг қадимий ва шонли тарихи туганмас бир дoston бўлса,

«Алпомиш» ана шу дostonнинг шоҳ байти, десак, тўғри бўлади. Бу мумтоз асарда тарих тўфонларидан, ҳаёт-мамот синовларидан омон чиқиб, ўзлигини доимо сақлаган эл-юртимизнинг бағрикенглик, матонат, олижаноблик, вафо ва садоқат каби эзгу фазилатлари ўз ифодасини топган.

Миллий маънавиятимиз азалдан қандай омил ва мезонлар негизда шаклланиб келаётгани ҳал-кимиз учун энг азиз ва энг миллий байрам — шарқона янги йил бўлмиш Наврўз айёми мисолида айниқса ёрқин намоён бўлади.

Кўҳна тарихимизни шу маънода кўз ўнгимиздан ўтказиб, таҳлил қиладиган бўлсак, муҳим ва ибратли бир фикрни такроран айтишга тўғри келади. Яъни, ота-боболаримиз руҳий оламининг томир-илдизлари айнан юқорида зикр этилган маънавий заминда, тарихда ҳам, бугун ҳам бар-чанинг ҳавасини тортиб келаётган олижаноб фазилатлар асосида шаклланган.

Барчамизга яхши маълумки, дин азалдан инсон маънавиятининг таркибий қисми сифатида одамзотнинг юксак идеаллари, ҳақ ва ҳақиқат, инсоф ва адолат тўғрисидаги орзу-армонларини ўзида мужассам этган, уларни барқарор қоидалар шаклида мустаҳкамлаб келаётган ғоя ва қарашларнинг яхлит бир тизимидир.

Айниқса, кўп асрлар мобайнида халқимиз қалбидан чуқур жой олиб, ҳаёт маъносини англаш, миллий маданиятимиз ва турмуш тарзимизни, кадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизни безавол сақлашда муқаддас динимиз қудратли омил бўлиб келаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Нега деганда, инсонийлик, меҳр-оқибат, ҳалоллик, охиратни ўйлаб яшаш, яхшилик, меҳр-шафқат сингари халқимизга мансуб бўлган фазилатлар айнан ана шу заминда илдиз отади ва ривожланади.

Бугунги кунда ислом динига нисбатан бутун дунёда қизиқиш ва интилиш кучайиб, унинг хайрихоҳ ва тарафдорлари кўпайиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Бунинг асосий сабаби муқаддас динимизнинг ҳаққонийлиги ва поклиги, инсонпарварлиги ва бағрикенглиги, одамзотни доимо эзгуликка чорлаши, ҳаёт синовларида ўзини оқлаган кадрият ва анъаналарни ажодлардан ав-лодларга етказишдаги бекиёс ўрни ва аҳамияти билан боғлиқ. Ва халқимизнинг маънавиятини шакллантиришга, ҳар қайси инсоннинг Оллоҳ марҳамат қилган бу ҳаётда тўғри йўл танлаши, умрнинг мазмунини англаши, авваламбор, руҳий покланиш, яхшилик ва эзгуликка интилиб яшашида унинг таъсирини бошқа ҳеч қандай куч билан қиёслаб бўлмайди, деб ўйлайман.

Маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлиги

Маънавиятнинг инсон ва жамият ҳаётидаги моҳияти ва аҳамияти ҳақида фикр юритганда, бу борада асрлар давомида қизғин баҳс-

мунозараларга сабаб бўлиб келаётган бир масалага алоҳида тўхталиб ўтиш лозим, деб ўйлайман. Яъни, одамнинг кундалик ҳаёти ва фаолиятида моддий ва маънавий асослар бир-бирига нисбатан қандай ўрин тутиши, уларнинг қайси бири устуворлик касб этиши ҳақида турли-туман, баъзан эса зиддиятли фикр ва қарашлар мавжуд бўлганини ва бундай тортишувлар ҳозиргача давом этаётганини кузатиш қийин эмас. Башарият тарихида яшаб ўтган не-не буюк алломалар бу масала бўйича кўплаб асарлар яра-тиб қолдиргани ҳам шундан далолат беради. Мисол учун, қадимий ҳинд, хитой ёки юнон файласуфларини оласизми, ўрта асрлардаги Шарқ ва Ғарб Уйғониш даври намояндаларини оласизми, ислом оламида ном қозонган мутафаккир зотларни оласизми — уларнинг илмий меросида моддий ва маънавий олам ўртасидаги муносабатларга кенг ўрин берилганини кўриш мумкин. Масалан, антик давр файласуфлари бўлмиш Сократ ва Платон, Эпикур ва Демокрит, хитой Донишманди Конфуций ва бошқа алломаларнинг бу борадаги назарий қарашлари фан тарихидан яхши маълум. Уларнинг айримлари руҳий оламни бирламчи деб билса, баъзилари эса моддий оламни асосий ўринга қўяди. Ана шундай тушунча ва тасаввурлар кейинчалик материализм ва идеализм каби таълимотлар майдонга чиқди.

Ижтимоий тараққиётнинг турли давларида бундай баҳслар соф назарий масала доирасидан чиқиб, маълум бир тузум ёки давлатнинг расмий мафкураси мақомини ҳам олган. Бунинг тасдиғини узоққа бормасдан яқин тарихимизда -шўро замонида материалистик қарашни устун қўйиш натижасида материя бирламчи, онг эса иккиламчи, деган тамойилнинг ҳукмрон дунёқараш даражасига кўтарилгани, бунинг оқибатида инсоннинг маънавий қадриятлари, айниқса, унинг миллий ва диний туйғуларига беписанд қараб келингани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Бир сўз билан айтганда, инсон ўз тимсолида ҳам моддий, ҳам маънавий хусусият ва аломатларни мужассам этган ноёб хилқат, Яратганнинг буюк ва сирли мўъжизасидир. Шунинг учун ҳам унинг ички дунёси, унга ато этилган фазилат ва хислатларни охиригача англаш, тушунишнинг ўзи ўта мураккаб бир масала. Мана шундай қараш ва фикрларни умумлаштириб, инсонга хос орзу-интилишларни рўёбга чиқариш, унинг онгли ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий ва маънавий оламни бамисоли парвоз қилаётган қушнинг икки қанотига қиёсла-сак, ўйлайманки, ўринли бўлади.

Қачонки ана шу икки муҳим омил ўзаро уйғунлашса, том маънодаги қўш қанотга айланса, шундагина инсон, давлат ва жамият ҳаётида ўсиш-ўзгариш, юксалиш жараёнлари содир бўлади.

1.2. Мустакиллик - маънавий тикланиш ва юксалиш.

Инсониятнинг кўп асрлик тарихи шундан далолат берадики, бу дунёда ўзининг миллий давлатини куришга азму қарор қилган ҳар қайси халқ юксак вазифаларни амалга ошириш, шу йўлда одамларни бирлаштириш ва сафарбар қилиш, уларнинг қалбида ишонч уйғотиш, эски ижтимоий тузумдан мутлақо янги тузумга ўтишда ўзига қўшимча куч-қувват ва мадад топишда умумий, ягона мақсад ва орзу-интилиш ифодаси бўлган миллий ғояни таянч ва суянч деб билади.

Миллий ғоя деганда, аجدодлардан авлодларга ўтиб, асрлар давомида эъзозлаб келинаётган, шу юртда яшаётган ҳар бир инсон ва бутун халқнинг қалбида чуқур илдиз отиб, унинг маънавий эҳтиёжи ва ҳаёт талабига айланиб кетган, таъбир жоиз бўлса, ҳар қайси миллатнинг энг эзгу орзу-интилиш ва умид-мақсадларини ўзимизга тасаввур Қиладиган бўлсак, ўйлайманки, бундай кенг маъ-ноли туигунчанинг мазмун-моҳиятини ифода қилган бўламиз.

Айни пайтда ҳозирги мураккаб ва тахликали замон талаблари, жамиятимизни янгилаш, мамлакатимизни модернизация қилиш билан боғлиқ мақ-садларимизга уйғун ва ҳамоҳанг равишда ҳаётнинг ўзи олдимизга янги-янги вазифаларни қўймоқда. Табиийки, миллий ғоямиз шу юртда яшаётган барча одамларнинг олижаноб ниятларини, ҳаётий манфаатларини мужассам этадиган юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги деган юксак тушунчаларни ўз ичига олади.

Маълумки, инсоннинг энг устувор ва муқаддас ҳуқуқларидан бири — бу тинч яшаш ҳуқуқидир. Давлат ва жамиятнинг бурчи ана шу ҳуқуқни барча қонуний воситалар билан кафолатлаб беришдан иборат. Бу ҳуқуқни амалга ошириш - давлат ва жамиятни демократлаштиришнинг энг муҳим шартидир. Демократиянинг инсонпарварлиги ҳам биринчи галда ана шу мезон билан ўлчанади.

Миллий ғоямизнинг асосий мазмунини ифода этадиган йўналишлар ҳақида гапирганда, ҳеч шубҳасиз, биз Ватан равнақи ва тараққиётини ўзимизга тасаввур қиламиз.

Ўз киндик қони тўкилган, ота-боболари хоки ётган она юртни дунёда тенгсиз, муқаддас Ватан деб биладиган одамнинг мақсад-муддаолари аниқ, ғурур ва ифтихори юксак бўлади. Ватан равнақи аввало унинг фарзандларига, Уларнинг маънавий ва жисмоний камолотига бевосита боғлиқ. Бу ўз навбатида ҳар бир юрт-дошимизни зиммасидаги юксак фуқаролик масъулиятини ҳис этишга, ўз манфаатларини шу ^юРт, шу халқ манфаатлари билан уйғунлашти-Риб яшашга даъват этади. Ва ҳар қайси

фукароўз мамлакатининг халқаро ҳамжамият сафидаи муносиб ўрин олиши, бугунги кунда тараққид топган тинч ва бадавлат яшаётган давлатлар қаторига кўтарилишидан манфаатдор бўлиши шубҳасиз.

Бу мақсадга эришиш учун юртимизда барча асослар — табиий бойликлар, унумдор ер, катга иқтисодий ва илмий-техникавий, инсоний ва маънавий салоҳият мавжуд.

Эндиликда олдимизда турган энг муҳим вазифа - ана шу юксак тушунчалар билан бирга миллий ғоямизнинг узвий таркибий қисмларини ташкил қиладиган комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик каби тамойилларнинг маъно-моҳиятини бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган маънавий-маърифий, таълим-тарбия ишларининг марказига қўйиш, уларни янги босқичга кўтариш, ёш авлодимизни ҳар томонлама мустақил фикрлай-диган етук дунёқараш эгалари қилиб тарбиялашдан иборат.

Таъкидлаш жоизки, биз фуқаролар дунёқарашини бошқариш фикридан йироқмиз, балки одамларнинг тафаккурини бойитиш, уни янги маъно ва мазмун билан тўлдириш тарафдоримиз.

Бизнинг энг улуғ мақсадимиз, энг улуғ ғоямиз шуки, Ўзбекистоннинг битта йўли бор: мустақилликни мустаҳкамлаб, мамлакатимизни ҳар томонлама юксалтириб, ёруғ ва эркин ҳаёт сари олға юриш.

Мафкурамиз, тутган йўлимиз, бор куч-ғайратимиз ана шу улуғвор ниятни амалга оширишга йўналтирилиши керак. Халқимизни, юртимиздаги барча сиёсий кучларни, нодавлат ташкилотларни ягона умумий мақсад атрофида бирлаштира-диган, бир тану бир жон Едладиган миллий ғоя ҳам аслида шу.

Бугунги кунда мамлакатимизда янги ҳаёт, янги жамият пойдеворини барпо этишда эркин фуқаро маънавиятини шакллантириш масаласи биз учун ғоят долзарб аҳамиятга эга.

Ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларимизнинг самарадорлиги аввало халқ маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг чуқур ўрганилиши, анъана ва урф-одатларимизнинг сақниши, маданият ва санъат, фан ва таълим риожи энг муҳими, жамият тафаккурининг ўзгариши ва юксалиши билан узвий боғлиқдир. Шу боисдан ҳам, ўз ҳақ-ҳуқуқини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, ёл-атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил ёндаша оладиган, айнаи замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган, ҳар жиҳатдан бар-камол инсонларни тарбиялаш вазифаси истиқлол йилларида биз учун ҳал қилувчи масалага айланди.

Таъкидлаш жоизки, бу жараён юртимизда ўта мураккаб шароитда — мустабид шўро тузуми барбод бўлган ва янгича ижтимоий муносабатлар қарор топаётган кескин бир вазиятда юз берди.

Мана шундай ўта қалтис ва мураккаб бир даврда юртимиздаги тинчлик ва барқарорликни асраб қолиш, Марказдан бўлаётган турли зарарли таъсирлардан халқимизни ҳимоя қилиш, ўз мустақил сиёсатимизни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мақсадида 1990 йилнинг 24 март куни республика Олий Кенгашининг биринчи сессиясида президентлик бошқаруви жорий этилди.

Айни пайтда юртимизда миллий тикланиш жараёни қарийб бир ярим аср давом этган ижтимоий-сиёсий қарамликдан кейин дастлабки пайтларда мутлақо табиий равишда ўзига хос «инкорни инкор» қонунияти асосида кечганини айтиш лозим. Лекин биз собиқ тузумнинг мафкуравий қарашларини умуман инкор этишнинг ўзи ҳеч қандай бунёдкорлик дастурига эга бўлмаган сиёсий ва маданий экстремизм хавфини туғдириши эҳтимолини яхши англари эдик. Шу билан бирга, тарихий қадриятлар, урф-одат ва анъаналар, турмуш тарзига орқа-олдини ўйламасдан, ёппасига бетартиб қайтиш бошқа бир кескинлик, дейлик, бугунги давр ҳаётини қабул қилмаслик, жамиятни янгилаш заруратини инкор этиш каби номақбул ҳолатларга олиб келиши мумкинлигини ҳам унутмаслик зарур эди.

Барчамизга маълумки, миллат ва халқнинг РУҲИ, дунёқараши ва турмуш тарзини ифода этадиган миллий маънавиятга муносабат, уни замон талаблари асосида ривожлантириш, одамларнинг дунёқараши ва тафаккурини ўзгартириш масаласи ҳар томонлама чуқур ва пухта ўйлаб ишюретишни талаб қилади. Ўша пайтда баъзи одамлар, мана, биз мустақилликка эришдик, энди фақат ота-боболаримиздан қолган қадриятлар асосида яшашимиз керак, бошқача қарашлар-нинг бизга ҳожати йўқ, деган асоссиз фикрларни ҳам билдирган эди. Табиийки, бундай фикрларга асло қўшилиб бўлмас эди.

Ҳар қандай ижтимоий ҳодиса сингари миллий қадриятларнинг ҳам ўзига хос ривожланиш қонунияти бор. Бу ҳақиқатни унутиш, миллий қадриятларни бирёқпама, сунъий равишда улуғлаш ва идеаллаштиришга уриниш, улардан сиё-сий мақсадларда фойдаланиш салбий оқибатларга олиб келиши ҳаётда кўп бора ўз исботини топган. Айниқса, Ўзбекистон каби кўпмиллатли, кўпконфессияли мамлакатда бундай ҳаракатлар охир-оқибатда миллатлараро зиддият, миллатчи-лик, миллий ва диний бегоналик каби нохуш ҳолатларга олиб келиши мумкин.

Биз халқимизнинг ақл-идроки, мустаҳкам иродаси, бағрикенглиги ва инсонпарварлигига таянган ҳолда, бу борада амалга оширган бирқатор ишлар

бугунги кунда ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Маълумки, ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади. Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жо-зибаси билан сингади. Она тили — бу миллатнинг руҳидир.

Буюк маърифатпарвар бобомиз Абдулла Ав-лонийнинг сўзлари билан айтганда, «Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадурган ойинаи ҳаёти тил ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдур».

Бу ҳақда гапирганда, мустақиллик арафасида ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш масаласида қандай қизгин, баъзида кескин ва муросасиз баҳс ва тортишувлар бўлиб ўтгани беихтиёр ёдимизга тушади. Ўшанда айрим сиёсий гуруҳлар Ўзбекистон шароитига мутлақо тўғри келмайдиган, бир-бирига бутунлай зид ва қарама-қарши фикрларни олға сурган, шунинг ҳисобидан ўзига обрў топиш, одамларни ортидан эргаштиришга уринган эди. Нега деганда, тил билан боғлиқ муаммолар орқали миллий туйғуларни рўқач қилиб, улардан ғаразли мақсадларда фойдаланиш мумкин.

Мана шундай ўта қалтис ва мураккаб вазиятда агарки озгина эҳтиросга берилсак, ҳушёрликни йўқотсак борми, арзимаган учқундан ўт чиқиб кетиши ҳеч гап эмасди. Марказда ва ўзимизда қулай баҳона кутиб, пайт пойлаб турган империяпараст кучларга айнан шу нарса керак эди. Аммо биз улар кутган йўлдан бормадик. Оғир-вазминлик билан иш тутиб, ҳар томонлама ўйлаб, мулоҳаза қилиб, барча сиёсий ва ижтимоий гуруҳларнинг талабларини қондирадиган, энг муҳими, халқимиз ва Ватанимиз манфаатларига жавоб берадиган ягона тўғри йўлни топишга эришдик.

Барчамизга маълумки, инсон ўзлигини англагани, насл-насабини чуқурроқ билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси илдиз отиб, улғая боради. Бу илдиз қанча теран бўлса, туғилиб ўсган юртга муҳаббат ҳам шу қадар юксак бўлади. Албатта, жаҳон — кенг, дунёда мамлакат кўп, лекин бу оламда бетакрор она юртимиз, Ўзбекистонимиз яккаю ягона. Бу гўзал юрт, бу муқаддас замин фақат бизга аталган. Мана шу улуғ туйғу ҳар биримизнинг дилимизга жо бўлиши, ҳаёти-миз мазмунига айланишини истардим.

Тарих ҳақиқати шуни кўрсатадики, томирида миллий ғурур, Ватан ишқи жўш урган одамгина буюк ишларга қодир бўлади. Биз шундай маънавий муҳит яратишимиз керакки, юртимизнинг ҳар бир бурчагида, барча шаҳар ва қишлоқ-ларимиз қиёфасида Ватандан фахрланиш ҳисси кўзимизни, қалбимизни яшнатиб турсин.

Айни пайтда шуни ҳам унутмаслик керакки, дунёвийлик — бу

дахрийлик дегани эмас. Дин ва диний эътиқод бутунлай рад этиладиган ҳаёт қандай ғайриинсоний кўринишга эга эканини биз кечаги тарихимиз мисолида яхши биламиз. Бундай мафкуранинг хатарли томони шундаки, у неча асрлар давомида дин негизида шаюшанган, халқ ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб кетган қадриятлар — бу ёзма ёки оғзаки, моддий ёки маънавий мерос бўладими, ахлоқ ёки анъана-лар бўладими, миллий дунёқараш ёки турмуш тарзи бўладими — буларнинг барчасини рад этади. Натижада одамзот ўзининг ички дунёси, ҳис-туйғу ва қарашлари, таяниб-суяниб турадиган пойдеворидан маҳрум бўлиб, «шўро доҳийлари» айтганидек, улкан давлат машинасининг «винтчаси»га айланади. Охир-оқибатда бундай одам ота-онасини ҳам, ўз миллати, халқи ва Ватанини танимайдиган аянчли ҳолатга тушиб қолади.

Собиқ мустабид тузум айнан ана шундай ёвуз мақсадларни кўзлар эди. Шунинг учун коммунистик мафкура авж олган даврларда, хусусан, ўтган асрнинг 80-йиллари охирларида халқимизнинг бошига қандай азоб-укубатлар ёғдирилганини, албатта, ҳеч қачон унутиб бўлмайди. Ўша машъум йилларда кўпчилик ҳатто жано-за маросимларига бориш, яқин кишисини йўқотган одамлардан кўнгил сўрашга ҳам ҳайиқиб қолган эди. У ёғини сўрасангиз, баъзи масъул лавозимда ишлайдиган одамлар мафкура тазйиқидан юрак олдириб, ота-онаси қазо қилганда дафн ма-росимларида иштирок этмасликка ҳам мажбур бўлган эди. Лекин ҳар қандай шафқатсиз таъқибларга қарамасдан, халқимиз барибир ўз муқаддас динига содиқ қолди. Шунинг ўзиёқ динни инсон, халқ ва жамият ҳаётидан асло ўчириб бўлмаслигидан яна бир бор далолат беради.

Биз муқаддас динимизнинг халқимиз тарихи-аги ана шундай бекиёс ўрни ва таъсирини инobatга олган ҳолда, уни ҳар томонлама тиклаб, ҳаётимиздан мустаҳкам ва муносиб ўрин олишига эришдик.

Шуни айтиш лозимки, халқимиз маънавиятини юксалтиришда миллий урф-одатларимиз ва уларнинг замирида мужассам бўлган меҳр-оқибат, инсонни улуғлаш, тинч ва осойишта ҳаёт, дўстлик ва тотувликни қадрлаш, турли муаммо-ларни биргалашиб ҳал қилиш каби ибратли қад-риятлар тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада маънавий ҳаётимизнинг узвий қисмига айланиб кетган ҳашар одати истиқлол даврида янгича маъно-мазмунга эга бўлиб, умуммиллий анъана тусини олгани барчамизни мамнун этади.

Ҳар қайси халқ миллий қадриятларини ўз мақсад-муддаолари, шу билан бирга, умумбаша-рий тараққиёт ютуқлари асосида ривожлантириб, маънавий дунёсини юксалтириб боришга инти-лар экан, бу борада тарихий хотира масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Яъни, тарихий хотира туйғуси

тўлақонли равишда тикланган, халқ босиб ўтган йўл ўзининг барча муваффақият ва зафарлари, йўқотиш ва қурбонлари, қувонч ва изтироблари билан ҳолис ва ҳаққоний ўрганил-ган тақдирдагина чинакам тарих бўлади.

Ҳар қайси жамиятнинг демократик нуқтаи назардан янгиланиши ва юксалиши шу жамият-нинг, шу давлатнинг тараққиёти маҳсули эканини ҳаммамиз чуқур англаб олишимиз зарур.

Мана шундай қонуният ва қарашларни ин-кор этиш, уларни тан олмаслик ва бунга тесқари йўл тутиш, ҳеч шубҳасиз, қутилмаган ва тесқари салбий натижаларга олиб келиши муқаррарлигини кўп-кўп мисолларда кўриш қийин эмас, албатта.

Жамият ҳаётида шундай даврлар бўладики, ўз умрини яшаб бўлган эски тузум қонун-қоидаларини янгича асосда ўзгартириш, барча соҳаларда кенг қўламли ислоҳотларни амалга ошириш зарурати энг муҳим эҳтиёж, керак бўлса, ҳаёт-мамонт масаласи сифатида кун тартибига чиқади. Биз ўз мустақиллигимизни қўлга киритиб, янги тараққиёт йўлига қадам қўйганимиздан сўнг халқимизнинг хоҳиш-иродаси, асрий орзу-интилишларига таянган ҳолда, шўро давридан оғир мерос бўлиб қолган маъмурий-буйруқбозлик тизимини тубдан ислоҳ қилиш, унинг ўрнида моҳият эътибори билан бутунлай янги — эркин бозор муносабатларига асосланган ҳуқуқий давлат, демократик жамият барпо этишга азму қарор қилдик. Табиийки, бу мақсадга эришиш учун қандай стратегик йўл, ислоҳотларнинг қандай шакл ва усули маъқул экани ҳақида олимлар ва мутахассислар, кенг жамоатчилик, эл-юртимиз вакиллари билан биргаликда кўп ўйладик, атрофлича маслаҳатлашдик. Бу борада тараққий топган давлатлар мисолида ўзини оқ-лаган илғор тажрибаларни чуқур ўргандик.

Энг муҳими, халқимизнинг ҳаёт тарзи, миллий анъана ва қадриятларимизни, аҳолининг руҳи ва кайфиятини ҳам ҳар томонлама ҳисобга олдик. Чунки ҳар қандай ислоҳотнинг пировард натижаси аввало унинг заруратини аҳолининг кенг қатламлари қай даражада тушуниши ва қўллаб-қувватлаши, бу ўзгаришларнинг инсон ҳаётига, унинг фаровонлигини оширишга кўрсатадиган амалий таъсири билан ўлчанади. Ана шу ҳақиқатдан келиб чиққан ҳолда, одамларга ислоҳотларнинг маъно-моҳиятини аниқ-равшан тушунтириб бериш, шу асосда жамият аъзоларида ишонч уйғотиш, уларни бунёдкорлик сари сафарбар этиш муҳим аҳамиятга эга.

Ана шундай кенг миқёсдаги ўрганиш ва ҳар томонлама изланишлар натижасида биз бугунги кунда бутун дунёда ўзбек модели сифатида тан олинган тараққиёт моделини ишлаб чиқдик. Бу моделнинг асосий тамойиллари — яъни, иқтисоднинг сиёсатдан холи экани, давлатнинг бош ислоҳотчи бўлиши, қонун устуворлиги, кучли ижтимоий сиёсат,

ислоҳотларни тадрижий асосда босқичма-босқич амалга ошириш
принциплари барчамизга яхши аён.

Таъкидлаш жоизки, бугун ҳаётда ўзини тўлиқ оклаган бу моделнинг
негизида авваламбор ҳаётга реалистик қараш, прагматик ёндашув мужассам,
Десак, айти ҳақиқат бўлади.

Бугун, орадан неча йиллар ўтганидан кейин ўзига хос миллий
тараққиёт йўлини танлаган дастлабки даврни кўз олдимизга келтирадиган
бўлсак, бизнинг ислоҳотлар сиёсатимизда маънавий мезонлар доимо ҳал
қилувчи омил бўлиб келаётгани янада яққол аён бўлади. Ўша пайтда собиқ
иттифоқ ҳудудидаги айрим мамлакатларда «шок терапияси» деган усул
билан бир сакраб бозор иқтисодиётига ўтиш ёки алоҳида бир давлатда
«демократия оролчаси» барпо этиш ҳақида қанча-қанча шов-шувлар
кўтарилган эди.

Ҳар қандай ислоҳотнинг энг муҳим самараси аввало халқнинг
маънавий-руҳий қарашларидаги янгиланиш жараёнлари, унинг онгу
тафаккурининг юксалиши, мамлакатда юз бераётган ўзгаришлар унинг
ҳаётига, тақдирига дахл-дор бўлганини чуқур ҳис қилиши ва шундан хулоса
чиқариши билан белгиланади. Биз амалга оширилаётган ислоҳотларимизда
ана шундай натижаларга эришиш учун барча ўзгариш ва янгиланишларнинг
марказига инсон ва унинг манфаатларини қўйдик. Шунинг учун ҳам бугунги
кунда ана шу жараёнларнинг моҳиятида ислоҳот — ислоҳот учун эмас,
аввало инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун хизмат қилиши керак, деган
мақсад мужассам эканини ва унинг амалий ифодасини барча соҳаларда
кўриш, кузатиш қийин эмас.

Агарки биз мустақилликка эришганимиздан сўнг босқичма-босқич
ривожланиш йўлини эмас, балки «шок терапияси» деб ном олган инқилобий
сакраш йўлини танласак, энг қийин вазиятларда аксарият аҳолимиз қандай
аҳволга тушиб қолган бўлар эди? Ҳеч шубҳасиз, стихияли тарзда юз
берадиган шиддатли ўзгаришлар тўғрисида одамларнинг моддий турмуш
шароити кескин ёмонлашиб, уларнинг ҳаёт тарзи, ахлоқий қадриятлари,
миллий-маънавий қиёфаси бутунлай издан чиқиб кетиши ҳеч гап эмас эди.
Бир сўз билан айтганда, бундай бирёқпама сиёсат ҳеч қутилмаган
оқибатларга, ўрнини юз йилларда ҳам тўлдириб, қоплаб бўлмайдиган оғир
йўқотишларга олиб келиши муқаррар эди.

Шунинг учун ҳам биз, четдан ҳар қанча таклиф ва тавсиялар, ҳатто
талаблар бўлмасин, ҳеч қачон инқилобий сакрашлар йўлидан бормадик.
Юртимиздаги бугунги тинч ва осойишта, бунёдкор ҳаёт, барқарор тараққиёт
бундай ёндашув-нинг нақадар тўғри бўлганини ва узоқни кўзлаганини
кўплаб соҳалардаги ижобий натижалар изолида тасдиқлаб бермоқда. Ўша

масъулиятли пайтларда, биз кескин ижтимоий ларзаларга олиб келадиган ҳар қандай инқилобий ҳаракатларга қаршимиз, бизнинг тадрижий ривожланиш тамойилларига асосланган ўз йўлимиз бор ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз, деб айтган қатъий сўзимиз, мустаҳкам позициямиз албатта бугун ўз ҳосилини бермоқда.

Бизнинг ислоҳотлар давомида наинки моддий фаровонликка, айти пайтда маънавий юксалишга ҳам эришишни ўзимиз учун асосий мезон деб билганимиз умумий тараққиётимизда бир томонга оғиб кетмаслик, жамият ҳаётида сув билан ҳаводек зарур бўлган мувозанат ва барқарорлик-ни таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки бозор иқтисодиёти ҳамма нарсани жойига қўяди, деган енгил-елпи қарашга итоат қилиб, фақат моддий бойлик ортидан қувиш - халқимизнинг азалий орзу-интилишларига ҳам, инсонийлик билан йўғрилган миллий қадриятла-римиз моҳиятига ҳам тўғри келмас эди. Шу боис ислоҳотларни амалга оширишда маънавият ва иқтисодиёт бир-бирини инкор этмайди, аксинча, бир-бирини қувватлаб, ўзаро таъсирланиб, ривожланиб боради, деган қонидани ўзимиз учун Дастуриламал сифатида белгилаб олдик. Маънавият ва иқтисодиёт соҳасининг минглаб ҳаётий масалалар, таъбир жоиз бўлса, жонли ришталар орқали ўзаро чамбарчас боғланиб кетганини инобатга олиб, халқимизнинг руҳияти, турмуш тарзи, қадимий урф-одат ва анъаналаримизга ҳар томонлама мос бўлган ислоҳотлар йўлини танладик.

II-боб Жамиятнинг маънавий ҳаётида Юсуф Хос Ҳожибнинг тутган урни.

2.1 Юсуф Хос Ҳожибнинг миллий маънавиятимиздаги ўрни

Юсуф Хос Ҳожиб X асрнинг ўрталарида ташкил топган Қорахонийлар хукмронлиги даврида яшаб ижод этди. Қорахонийлар Сирдарёдан Еттисувгача, Шимолий Фарғона ва бутун Шарқни Туркистонда хукмронлигини ўрнатгандан сўнг Мовароуннахрнинг ичкрасига ҳам кириб бориб, Қошғардан тортиб Каспийгача бўлган кенг майдонда ўз давлатини таркиб топтирган эди. Унинг маркази Қошғар (Урдукент) бўлиб, шимолда Боласоғун (Қўзурду), ғарбда Самарканд, марказда ўзганд шаҳарлари ҳам йирик марказий шаҳарлардан ҳисобланади.

Ҳар бир давлатда бўлганидек, Қорахонийлар давлатининг ҳам идора қилиш усули, юргизадиган сиёсати, қонунлари тарбия тамойиллари ифодаланган қомус - низомнома зарур эди.

Худди ана шундай зарурият туфайли «Қутадғу билиг» (1069-1070) асари яратилди. Бу асарда Қорахонийлар давлатини мустаҳкамлаш учун идора усуллари яратиш, барча табақа ва тоифадаги кишиларнинг хулқ-атвори, жамиятдаги тутган ўрни, давлатни иқтисодий, ижтимоий, маданий жихатдан мустаҳкамлаш, давлатнинг мустаҳкамлигининг биринчи таянчи - инсонни маънавий камолга етказиш масалалари қамраб олинади.

Юсуф Хос Ҳожиб бу мураккаб вазифани хал этишда фақат донишманд, қомусий мутафаккир сифатидагина эмас, балки тарбияшунос олим сифатида ҳам ўзини намоён этди.

Шунга кўра, у яратган «Қутадғу билиг» асари таълим-тарбиятарихи, унинг назарий масалалари, қомил инсонни-шакллантиришда айниқса, муҳим аҳамият касб этади.

«Қутадғу билиг» асарида ҳокимият Қорахонийлар қўлига ўтиши муносабати билан таълим ва тарбиянинг ҳам ҳокимиятни мустаҳкамлаш ва тараққий эттириш учун хизмат этадиган ўзига хос талаб ва тамойилларини белгилаш зарур эди. Шунинг учун ҳам мазкур асар дидактик, яъни таълимий-ахлоқий усулда езилди.

Ўша даврларда бундай асарлар (масалан, Низом-ул-мулкнинг «Сиёсатнома», Кайковуснинг «Қобуснома») ёзиш анъанага кирган бўлса ҳам, ҳар бири ўзига хос йўл-услубга эга бўлиб, «Қутадғу билиг» улардан анча олдин яратилгандир.

Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асари таълимий-ахлоқий асар сифатида педагогика тарихида энг юқори ўринларда туради.

Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асари 6500 байтдан ёки 13.000

мисрадан иборат. Уни буюк мутафаккир ёзиб тугатгач, қорахонийлар ҳукмдори Тавгачхон (китобда Тавгоч -Улуғ Бугра Қорахон (хоқон), Або Али Хасан бинни Сулаймон Арслон Қорахон (хоқон) номлари билан зикр этилган) ҳузурига келиб, унга тақдим этади. Китоб хонга манзур бўлиб, унинг муаллифига Хос хожиблик лавозимини беради. «Қутадғу билиг» асари катта шуҳрат қозонади. Шунинг учун ҳам «Қутадғу билир»ни чинликлар (Хитой) «Адаб ул-мулук» («Ҳукмдорлар одоби»), мочинликлар (Шаркий Туркистон) «Анис ул-мамолик» («Мамлакатнинг тартиб-усули»), эронликлар «Шохномаи Туркий», шарқ элида «Зийнат ул-умаро» («Амирлар зийнати»), туронликлар «Қутадғу билиг», баъзилар эса «Пандномаи мулук» («Ҳукмдорлар насихатномаси») деб атагани китоб мукддидмасида келтирилади.

2.2 Юсуф Хос Ҳожиб асарларининг бугунги кундаги аҳамияти.

Юсуф Хос Ҳожиб ўз даврининг етук мутафаккири, чуқур билимли, донишманд инсон эди. Буни асарнинг мундарижаси ва мазмунидан ҳам билсак бўлади. У ўз асарида тиббиёт, фалакиёт, тарих, табиёт, география, риёзиёт, хандаса, фалсафа, адабиёт, таълим-тарбия, дипломатия, фикҳ соҳасига оид фикрларни баён этиб, файласуф ва қомусий олим сифатида ўзини намоён этди. Чунончи, у барча ижтимоий табакалар ўртасидаги муомала-муносабатларни ёритиш билан бирга, дипломатияга оид қоидалар тизимини яратди, турли касб эгаларининг касбу қорига оид талаблар ва жамиятнинг ахлокий тамойилларини тараннум этиш билан таълим-тарбия соҳасида ўзига хос услубни яратди.

Қутадғу билиг- бахт-саодатга элтувчи билим, таълим деган маънони билдиради. Демак асар номидан ҳам унинг панд-насихат, таълим-тарбияга оид етук дидактик асар, ҳар томонлама етук инсонни тарбиялайдиган дарслик эканлиги яққол кўриниб турибди. «Қутадғу билиг» асари Шарқда панднома туркумидаги анъанавий китоб тузиш тартибига риоя қилинган ҳолда тузилган.

Аввал насрий мукддима, сўнг 73 бобдан иборат китобнинг мундарижаси берилади. Дастлабки ўн бир фасли дебоҳа бўлиб, ҳамда, наът ва Қорахонни мадҳ этиш, таълим мақсади, еттиқавоқиб ва ўн икки бурж, тилнинг аҳамияти, муаллифнинг узри, эзгулик ҳақида, билим олишнинг аҳамияти, китобга ном берилиши, кексаликдан афсусланиш каби

фасллардан иборатдир. ўн иккинчифаслдан бошлаб асосий воқеа баёни эътироф этилади. Лекин асардатурт қаҳрамон — Кунтуғди - адолат рамзи, вазир — Ойтўлди – давлатва бахт рамзи, вазирнингўғли ўғдулмиш – ақлрамзи, сифатида, ўзгурмиш - вазирнинг қариндоши - қаноат тимсоли ўртасидаги мунозара асосида ҳаётий масалалар бир-бирига боғланган ҳолда баён этилиб, китобни ёзишдан ўз олдига қўйган мақсадга бўйсунидирилади.

Юқорида таъкидланган тўрт қаҳрамоннинг суҳбатлари, Мунозаралари асосида Юсуф Хос Хожиб ўз мақсад ва ғояларини баён этади.

Масалан, Ойтўлдининг Элиг билан учрашувида унинг Элиг синовидан ўтиши жараёнидаги савол-жавоблар натижасида давлатнинг сифати ва фазилатлари, унинг бевафолиги ва бебақолиги, адолатнинг хислатлари, шунингдек эл-юрт бошқарувчиларининг хислатлари баён этилади.

Ойтўлдининг ўғли ўғдулмиш билан Элигнинг суҳбатида эса сарой амалдорлари: беклар, вазирлар, лашкарбошилар, хожиблар, элчилар, саркотиб, хазинадор, дастурхончилар, шаробдорлар, бегларнинг ўз хизматкорларига муносабати қандай бўлиши кераклиги баён этилади.

Ўғдирмиш билан Ўзгурмиш мунозаралари, Элиг билан ўзгурмиш мунозарасида эса инсоний хислатлар, хизмат ва турмуш одоблари борасида фикрлар баён этилади, турли касб эгалари васфи берилади.

«Қутадғу билиг»даги бош ғоя - инсонни ҳаётда бахт-саодатга элтувчи асосий қарашлари тўрт рамзий қаҳрамон: Кунтуғди - Элиг подшо - адолат тимсоли, Ойтўлди - вазир давлат тимсоли, ўғдулмиш - вазир-ақл тимсоли, ўзгурмиш - вазирнинг қариндоши-қаноат тимсолининг ҳаёти ва давлатни бошқариш жараёнидаги ҳатти-ҳаракатлари ва фикрлари орқали берилганки, булар инсон камолотининг муҳим мезони саналади. Юсуф Хос Хожибнинг «Қутадғу билиг» асарида инсон камолоти масаласи марказий масала бўлиб ҳисобланади. Мазкур асарда инсоннинг жамият ва ҳаётда тутган ўрни, бурчи ва вазифалари ҳақидаги муаммолар ўзига хос тарзда баён этилади.

Мутафаккир ўзининг ахлоқий қарашларини, яъни ижтимоий муносабатлар, жамият аъзолари барча типлари ўртасидаги ахлоқий муносабатларни амалиётга таянган ҳолда ёритади. Бу ахлоқий ҳулқ-одоб тамойиллари, талаб ва вазифалари бутун асар давомида қаҳрамонларнинг ўзаро мунозаралари асосида ифодаланган. ўнда Элиг /хон/, унинг вакиллари, ижтимоий гуруҳларнинг ўзаро муносабати, ахлоқи, муомаласи талаблари баён этилади. Турли касб эгаларига хос хислатлар, одатлар ёритади.

Асарда илгари сурилган ахлоқий хислатларни санаб ўтиш олимнинг кай даражада таълим-тарбия, ахлоқ масалаларини чуқур билганлигидан далолат беради: инсонийлик, ростгўйлик, тўғрилиқ, софлик, меҳр-муҳаббат, вафо, шафқат, мурувват, инсоф, адолат, ишонч, садоқат, хушмуомалалик,

ширинсўзлик, саховат, мардлик, химматлилик, хурмат ва эҳтиром, тадбиркорлик, ақл, заковат, халоллик, эзгулик каби хислатлар улуғланади, уларда ёлғончилик, ноинсофлик, фиску фасод, бевафолик, меҳрсизлик, дағаллик, кўполлик, бахиллик, номардлик, қувлик, хурматсизлик, нодонлик, жохиллик, харомхўрлик, очкўзлик каби хислатларни қиёслаб, эзгу хислатларнинг яхши оқибатлари ва салбий хусусиятларнинг ёмон оқибатларини мисоллар воситасида ишонарли қилиб баён этади. Бунда дастлаб, барча яхши ишларнинг манбаини эзгулик, ёмон ишларнинг асосини эссизлик номлари билан талъин этади. У инсон ҳаётда қилган иши билан ё яхши ном қолдиради, ёки ёмон ном олади, дейди. Асарда олим барча эзгуликнинг боши тил одоби, унинг фойда ва зарарларига бағишланади.

Тил инсоннинг кадр-қимматини оширади, ёки шу тил орқали инсон юз тубан ҳам кетиши мумкин, дейди. Киши икки нарса билан ҳаётда мангу қолади: бири хушхулқлик бўлса, иккинчиси яхши сўз, дейди олим.

Инсоний муносабатларнинг энг олий мезони саналган хурмат ва эҳтиромини таркиб топтиришнинг барча кўринишлари асарда ўз ифодасини топган. Юсуф Хос Хожиб жамият тақдирини хал этувчи энг улуғ мансабдорлардан тортиб, оила аъзоларигача бир-бирига бўлган муомала-муносабат масалаларини ҳам ҳаётий мисоллар воситасида ёритади. Катта ёшлиларнинг кичикларга, кичикларнинг улуғларга, амаддор ва мансабдорларнинг ўз хизматчиларига, хизматчиларнинг ўз хўжаларига, турли ижтимоий гуруҳ аъзоларининг бир-бирларига, оилада оила аъзоларининг бир-бирларига муомала маданиятининг энг оддий кўринишларигача тасвирлаб, кишининг кўз олдида яққол намоён этади. Буни биз фарзанд тарбиясида унинг туғилганидан бошлаб хулқ-одоб қоидаларини, билим ва хунарни ўргатиш, бунинг учун пок ва билимли муаллим-мураббий танлаш, фарзанднинг хатти-ҳаракатининг доимо назоратда сақлаш каби масалаларнинг баён этилишидан ҳам билсак бўлади.

Олим улуғлар ва кичиклар ўртасидаги хулқ-одоб қоидалари ҳақида гапирар экан, шу аснода камтарлик, саломлашиш одоби, талаблари, қоидаларини ҳам тавсия этади.

Айниқса, Юсуф Хос Хожибнинг амалдорлар ахлоқи ҳақидаги ўғитлари диққатга сазовор ва бу фикрлар ҳозирги даврда ҳамқимматли саналади. Олимнинг беклар, хожиблар, вазирлар, саройбошилар, элчилар, лашкарбошилар, девонбошилар, хазинадорлар, саркотиблар каби кўплаб амалдорларнинг хатти-ҳаракатлари, иш юритишлари, хулқ-одоби ҳақидаги амалий ўғитлари ва йўл-йўриқлари ҳар бир амалдор учун дастур саналади. Масалан, ҳар бир амалдорнинг ўз ишининг устаси, илм-фанни эгаллаган, унинг турли соҳалари борасида фикр юрита оладиган, сўзга чечан, зеҳнли, фаҳм-фаросатли, ҳимматли, кўзи тўқ,

очик қўл, сахий, тадбирли, зукко, хушёр, жиддий, қаноатли, жасур, соғлом, самимий, садоқатли, ўз сўзи устидан чиқадиган, андишали, шеър бахсида иштирок этиб, ўзи ҳам шеърлар тўқий оладиган, турли тилларни била оладиган ва ёза оладиган, нард, шатранж, чавгон ўйинларида ўйнай оладиган, мерганлик каби хислатларга эга бўлиши кераклигини таъкидлайди. Шунингдек, ҳар бир инсоннинг камолга етишида тўсқинлик қиладиган ёмон иллатлар, нуқсон ва камчиликлардан биринчи навбатда эл-юрт хизматида бўлган амалдорлар ҳам ҳоли бўлиши лозимлиги: маишат, ишратпарастликка берилиш, кек, гина, адоват, низо, хусумат, фиску фасод, маиший бўзоқлик, майпарастлик, кайфу сафога берилиш, мутакаббирлик, хиёнат, давлат кетидан қувиш, манфаатпарастлик, худбинлик, бошқаларнинг ҳақ-хуқуқларини топташ, таъмагирлик, ҳақорат кабилар шундай иллатлардирки, бунинг натижаси давлатнинг ривожига путур етказиб, жамиятни маънавий қашшоқликка олиб боради, деб бундай ёмон иллатлардан тийилишни маслаҳат беради.

Масалан:

(Агар) дунё беглари ичимликка (маишатга) берилса.

Эл ва халкнинг дардлари (қисмати) аччиқ бўлади.

Жаҳонгир киши айш-ишратга маҳлиё бўлса,

Элини бузади (ҳароб қилади, ўзи (эса) тиламчи бўлиб қолади.

Юсуф Хос Ҳожиб такаббурлик, мағрурланиш, кеккайишга камтарлик, хушсуханлик, хушфеълликни қарши қўяди. Шунингдек, амалдорларга баланд ҳимматлилик, мурувватли бўлиш, самимийлик

хоҳ катта, хоҳ кичик бўлсин, хос фазилат эканлигини алоҳида таъкидлайди. Инсоннинг ҳақиқий бойлиги унинг кўз ва кўнгил тўқлиги деб беради. Зеро, очкўзлик, таъмагирлик инсонда порахўрлик каби ёмон иллатнинг томир отишига олиб келади, дейди.

Юсуф Хос Ҳожиб оилавий-маиший турмуш икир-чикирларига ҳам катта эътибор беради. У кишиларни уйланиб, оила қуришидан бошлаб, фарзанд тарбия этиш, оиланинг моддий таъминотини юритишгача бўлган энг зарурий вазифаларни бирма-бир баён этади. Миллий давлатларнинг шаклланиши бошлаши миллатнинг шаклланиши билан бевосита боғлиқ ҳодиса. «Авесто» маданиятининг тугал шаклланиши миллатдан илгариги ВИИ-ВИ асрларда яқунланган ва балки шу даврларда ёзма матнга ко'чган бўлса эҳтимол. Ҳар ҳолда Искандар Мақдуний о'лкамизга келганда «Авесто»нинг то'лиқ ёзма матни мавжуд бўлганлиги турли қадим китобларда қайд этилади. Бизнинг минтақада илк давлатчиликнинг юзага келиши ҳам ушбу даврларгача бошланган бўлиб, «Авесто» матнларида илк давлатчиликка оид атамалар ва тушунчалар учраши бежиз эмас. Аммо «Авесто» китобининг то'лиқ шаклланиш даври бўлган бронза асри бошларида асосан, юқорида эслаб о'тганимиз, илк

шаҳар-давлатлар мавжуд эди. Улар атрофида эса хануз кичик уруг' жамоалари, қабилалар алоҳида-алоҳида, гуруҳ-гуруҳ бо'либ истиқомат қилардилар. Аста-секин о'зaro яқин жойлашган турли о'лкалар аро маданий, иқтисодий, ҷиёсий алоқалар вужудга кела бошлади. «Авесто» китобида Олий тангри Ахура Мазда яратган о'лкалар Ариана Ваежа (Хоразм), Гава (Суг'диёна), Моуру (Марг'иёна), Бахди (Бохтар ёки юнонча шаклида Бактрия), Нисая (Ниса - Парфия пойтахти), Ҳаройва (Ҳирот) ва бошқаларни ҷанаб о'тилиши «Маздаясна»е'тиқоди дастлаб тарқалган ушбу о'лкалар ягона маданий минтақа, кейинча Мовароуннаҳр ва Хуросон деб аталган царҳадни ташкил этганлиги ма'лум бо'лади. Цҳимолда Хоразмдан жанубда Цҳимолий Ҳиндистонгача, ҳозирги Эроннинг шимоли-шарқидан Фарг'она водийси, Эттисув о'лкасигача, Афғ'онистон чегаралари эса деярли то'лиқ ушбу ҳудуд ичида жойлашгандир. Ушбу минтақа миқёсида шаклланган маданий-ма'навий муҳит аста-секин о'з чегараларини кенгайтириб бориб, бутун Эрон ва Озарбайжонга тарқалди. Эрон ҳудудида зардо'штийлик э'тиқодига таянган буюк империялар таркиб топди ва улар орқали бу та'лимот Месопотамия (я'ни Дажла ва Фурот дарёлари оралиғ'и, ҳозирги Ироқ ва Ҷурия, қадимги Бобил ва Ашшур), Арабистон ярим ороли, Кичик Осиё (ҳозирги Туркия, қадимда Византия), ҳатто қадим Йунон ва Рум (ҳозирги Италия) чегараларига этиб бориб, о'з та'сирини кўрсатди. Аммо Зардо'шт г'оялари қадим Йунонда илм-фаннинг ривожига хизмат қила бошлаган бир пайтда бизнинг минтақа халқлари бошига кўп кулфатлар ёғ'илди. Аввало, Эронда ҷалтанат о'рнатган Аҳмонийлар (Ҳахоманишийлар - Куруш, Доро ва бошқалар) қадим Турон юртига кетма-кет босқинлар уюштирдилар. Ҷо'нг Йунонистондан Искандар Мақдуний лашкар тортиб келди. Иккинчи томондан, Ҳитой хоқонлари гоҳ жосус юбориб минтақа халқлари орасида низо чиқарар, гоҳ о'зи қўшин тортиб келиб, Цҳарқий Туркистон ва Фарг'она водийларини босиб олишга уринар эди. Йа'жуж-ма'жуж (ёки жуан-жуан)лар шимолдан ҳужум уюштириб турардилар. Энди кичик шаҳар-давлатлар ёки эркин қabila иттифоқлари этарли бўлмай қолди, минтақа халқлари о'з кучли ва бирлашган империясини тузиш заруратини ҳис қила бошладилар. Минтақадаги кичик давлатлар о'рнида милoddан олдинги ИИИ асрдан бошлаб хуннлар ҳарбий демократик иттифоқи, ҷо'нгга Кушонлар империяси дунёга келди. Цҳарқий хунн ҳукмдорлари Ҳитойгача этиб борган бўлсалар, Г'арбда улар Баламир (374-400), Йулдуз (400-410), Аттила (434-453) каби номдор лашкарбошилар тимсолида бутун Рим империясини ларзага ҷолдилар. Кушонлар империяси милoddий эра бошларида ҳозирги Цҳимолий Ҳиндистон ва Турон о'лкаларини ягона ҳудудга бирлаштиришга муваффақ бўлдилар. Бу икки йирик давлатчилик

тажрибаси туркий халқлар иштироки билан бо'лган бо'лса, кейинроқ бориб туркий элат о'з мустақил империясини тузишга муваффақ бо'лди. Миллатнинг о'з-о'зини англаб этиши шу тариқа амалга ошди. Милодий эранинг V-VI асрларидан бошлаб, гуллаб яшнаган пайтларида Қора денгиз бо'йлари ва Дунай цоҳилларидан то Жанубий Цибир ва Мо'г'улистон эрларигача, Волга бо'йлари ва О'рол тоғ'и этакларидан ҳозирги Цҳимолий Афғ'онистонгача ҳукмини юритган Буюк турк хоқонлиги (ёки Ко'к турк хоқонлиги - «ко'к» бу о'ринда «осмоний», «муқаддас» ма'ноларини англатади) шаклланди. Бу улуг' империя гоҳ юксалиш ва гоҳ таназзул даврларини бошдан кечириб, то милодий эранинг VII асри бошларигача мавжуд бо'лди. Ушбу даврда умумтурк адабий тили шаклланди, ҳарбий демократия қонунлари аста-секин барқарор давлатчилик қоидаларига айлана борди, махсус туркий ёзув ишлаб чиқилиб, бой адабий ёдгорликлар дунёга келди. Уларнинг жуда ко'пчилиги бизгача этиб келмаган бо'лиши мумкин, аммо этиб келганларининг о'зини олганда ҳам жиддий ма'навий бойлик яратилганлиги ҳар қандай шубҳадан холидир.

«Ўғузнама», «Култегин битиклари», «Тўнюкук битиги», «Билка қоғон битиги» цингари йирик тарихий-бадий асарлар ўша давр аجدодларимиз тафаккур тарзи, орзу-армонлари, маънавий камолот даражасини акс эттиради. Бизнинг назаримизда, ушбу тош битиклардаги энг муҳим мавзу Ватан ва миллат, мустақил давлатчилик г'ояларидир. Улар битик муаллифлари Ў'ллик тигин, То'нюкук ва бошқалар қалбида юксак эҳтиросларни туг'дирган ва бу туг'ён уларни о'қиган бугунги китобхон дилига ҳам бундан 12 аср бурун қандай бо'лса, худди шундай та'сир ко'рсата олади. Будуннинг (я'ни, о'ша давр тилида - халқнинг) бутунлиги, юртбошининг оқиллиги ва тадбиркорлиги, баҳодирлар шиддати ва шижоати бугунги кунимиз учун ҳам ибрат ва намуна бо'лгуликдир.

Ушбу битиклар мазмунидан туркий элат исломдан олдинок яхлит бир халқ цифатида о'злигини таниб олганини ойдин ҳис қиламиз ва ислом давридаги туркий цулолалар юксалишининг ма'навий омиллар ва асосларга эга эканлиги аён бо'лади. Бу пайтда туркий халқлар ягона Тангрига э'тиқод қилишган. 716-720 йиллар орасида ёзилган «Кичик Култегин битиги» шундай шиддат билан бошланади:

Ватан ва миллат фидойиси о'з аجدодлари, бобоси ва амакисининг шонли курашларига бағ'ишлаб ёзган йирик марсия-достонларида миллат ва халқ бошини қовуштириш учун о'з ҳаётини тиккан баҳодир ва тадбиркор юрт улуг'ларини мадҳ этди, улуснинг бош манфаати, миллий давлатнинг этакчи г'ояси нима эканлигини ёрқин цатрларда ифодалаб берди:

“Турк будуни” - Буюк турк хоқонлиги (Ко’к турк хоқон-лиги) даврида умумтуркий адабий тил, мустақил давлатчилик г’оялари асосида мукаммал шаклланган ва “Култегин битиги”, “Билка қог’он битиги”, “То’нюқуқ битиги” каби туркий тош-битикларда о’з ифодасини топган ягона туркий халқ ва миллат тимсол-тушунчаси.

Исте’додли саркарда Култегин турли туркий қабиаларни ягона халқ цифатида бирлаштириш учун бутун умрини фидо қилди, Турк хоқонлигининг охирги ҳукмдорларидан бо’лмиш акаси Билка қог’он қалтанатини боболари бошқарган довр’ли юрт ҳудудларида цақлаб қолиш учун тинмай турли бузг’унчилик тамойилларига қарши аёвсиз жанглари олиб борди. Йо’ллуғ’ тигин буюк боболари тимсолида элни ватанга муҳаббат, миллатпарварлик руҳида тарбия қилишга интилади, юрт тинч, халқ ҳаёти фаровон бо’лиши учун давлатни бошқарувчилардан, беклардан ва оддий аҳолидан қандай ма’навий фазилатлар талаб этилишини улуг’ хоқонлар давридан намуна келтириб ко’рсатиб беради:

Демак, ҳукмдорнинг асосий фазилати билимли, фаросатли, шу билан бир пайтда шижоатли ва мард бо’лса, лашкарбошилар, амалдорлар ҳам шундай бо’лса, беклар, оддий фуқаролар миллат ва Ватанга қодик, то’г’ рисо’з, гапи билан амали бир жойдан чиқадиган бо’лса мамлакат юксалар, эл фарог’атда яшар экан. Агар ҳукмдорлар элни о’йламаса, халқ то’г’ри ё’лдан тойса, юрт хароб бо’либ, миллат о’згалар асоратига гирифтор бо’лар экан. Бу азалий ва абадий ма’навий қадриятлар бугунги кунимизда ҳам о’з долзарблигини цақлаб келаётгани О’збекистон Президентининг қатор асарлари ва бобларида о’з акс-садосини топиб келмоқда. Бундан 1300 йил илгари Йо’ллуғ’ тигин, То’нюқуқ каби миллат учун қайг’урган шоирлари бо’лган эл о’злигини ҳеч қачон ё’қотмайди, даҳрнинг минг бир балоларидан омон чиқиб яна юксалаверади. Хуллас, асотири тафаккур босқичида уруғ’ жамоаси бо’лади, қабиалар бо’лади, қабиалар иттифоқи шакллана бошлайди. Аммо миллат тушунчаси бу даврдан анча кейин, миллий давлат шаклланиши билан бир пайтда юзага келади. Масалан, «Авесто» китоби

ёзилган тил бирор муайян миллатнинг тилига мос келмайди. Эронда Аҳмонийлар цулоласи ҳукмронлигининг о'рнатилиши минтақа тарихида империялар даврини бошлаб берди. О'лкамиз халқлари бегона империя да'вогарларининг минг йиллик босқинчилик азобларини ко'рди, ушбу курашлар мобайнида мустақил миллат ҳифолатида шаклланиб борди, аввал хуннлар ва Кушонлар таркибида, цо'нг мустақил миллат ҳифолатида миллий давлатчилиқни -Буюк Турк хоқонлигини вужудга келтирдилар. Бу даврда (V-VIII асрларда) туркий адабий тил ҳам шаклланди ва ушбу умумтуркий адабий тил ёдгорлиқлари бизгача тошбитиклар ва бошқа матнларда этиб келди. Миллатнинг о'з-о'зини англаб эта бошлагани, турли туркий элатларнинг бир бутун халқ («будун») ҳифолатида бирлашуви ҳаёт ва мамот масаласи бо'либ, юзага чиққанлиги ушбу матнлар мазмунида аниқ ифодалангандир. Туркий миллат о'з мустақиллиги учун, элатлар бирлиги учун курашда, аёвсиз жангларда шаклланди.

Асотир тафаккур ҳукмронлигидан эътиқодий бағрикенглик аро миллий тафаккурга ўта бошлаган туркий элатлар тавҳид эътиқоди туфайли кўшни халқлар билан ягона маданий минтақага бирлашдилар. Ушбу ягона маданий бирлик доирасида миллий маънавиятимиз янги уфқлар сари юксалиб борди. VIII – XV асрларни ўз ичига олган ушбу кутлуғ давр ўз ички такомилига кўра 4 босқичга бўлинади:

1. Сунна босқичи (VIII – IX асрлар).
2. Ислом маърифатчилиги босқичи (X - XI асрлар).
3. Тасаввуф тариқатлари босқичи (XII - XIII асрлар).
4. «Мажоз тариқи» босқичи (XIV - XV асрлар).

Буларнинг ҳар бири ҳақида, юқорида таъкидланганидек, “Маънавиятнинг ривожланиш тарихи” фанида батафсил сўзланади. Ҳозирча фақат бир нарсани таъкидлаш лозимки, Ислом минтақа маданияти ўзидан олдинги даврда инсоният эришган барча ютуқларни чуқур ўзлаштирди, мушриклик эътиқодининг рад этилиши асло қадимги маданият самараларини ёппасига рад этиш бўлган эмас. Қолаверса, ислом минтақа маданияти доирасидаги миллий маънавиятимиз ривожининг биринчи поғонаси бўлмиш Сунна босқичи, биринчи навбатда, ибратга қурилган бўлса ҳам, ҳеч қачон илмни, риёзатни, меҳрни инкор этмаган. Кейинги босқичларнинг ҳам етакчи

тамойилларига биз алоҳида урғу берганлигимиз олдинги босқичдаги тамойиллар йўқ бўлиб кетганини ёки назардан четда қолганини билдирмайди. Миллий маънавиятимиз тараққиётининг ҳар бир даври, ҳар бир босқичи ўта мураккаб мазмунга, турли тамойилларининг ўзаро узвий туташган муайян уйғунликдаги тизимига эга бўлиб, уларнинг ҳар бирини алоҳида ўрганиш лозим. Аммо ҳоирча биз масалани илк умумий ёндошув даражасида талқин этганимиз сабабли, бу ўринда энг ёрқин тамойилларгагина эътибор қаратамиз. Шу билан бирга кўп нозик жиҳатлар сояда қолиб кетаётганини ҳам эслатиб ўтамиз.

Бугунги кунда биз “маърифат” тушунчасини баъзан жуда тор талқин қилиб, илм ўрганиш, турли соҳаларда билим ҳосил қилиш деб ўйлаймиз¹. Асли ақл билан англаб етиладиган билимларни ўзлаштиришга интилиш “маърифат водийсида”ги бир йўналиш, холос. Ислом минтақасида маърифатнинг бундай талқини фақат X-XI асрлардагина етакчи йўналиш бўлиб, Форобий сингари файласуфлар, Юсуф Хос Ҳожиб каби аллома шоирлар томонидан олға сурилган. Улар ақлни, мантиқий тафаккур йўли билан ўзлаштириладиган билимларни инсонни бахт-саодат сари элтувчи асосий йўл деб тушунганлар. XVIII-XIX аср Европа маданиятида ҳам шу фикр етакчи бўлди. Аммо бундан олдинги даврда ҳам, кейин ҳам кўп улуғ алломалар илмни маърифатнинг ягона йўли деб билган эмаслар. Муҳаддислар наздида ҳазрати пайғамбаримиз ибрати инсон маънавий камолоти учун бош маёқдир. Шу сабабли улар умр бўйи риёзат чекиб, ҳадис тўплаганлар, уларни таҳқиқ этиб “саҳиҳ“, яъни ҳақиқий, ишончлиларини “заиф”ларидан ажратиб таснифлаганлар. Натижада, инсон ҳаёти учун ниҳоятда муҳим муаммоларга жавоб бера оладиган исломий ахлоқ-одоб қоидалар тизими вужудга келган. Ибрат йўли бугун ҳам шахс маънавиятини шакллантирувчи муҳим йўналишлардандир.

Асли маърифатнинг илк йўли ибратдир. Гўдак ёруғ дунё юзига келиб, яшаш ишқи билан ҳаётга интилар экан, ишни ибратдан бошлайди, она ибрати, ота ибрати, акалар ва опалар, бувилар ва боболар ибрати билан воқеликка ўз муносабатини шакллантира бошлайди. Бу дунё асли инсонга ибрат учун яралган. Дарахтларнинг қуёш сари бўй чўзмоғи - ибрат, жониворларнинг ўз тақдирига ризолиги - ибрат, тоғлар устиворлиги - ибрат, уммонлар теранлиги - ибрат, қуёш ва ой хизмати, кеча ва кундуз навбати - ибрат. Пайғамбарлар сидқи, валийлар каромати, алломалар илми, зоҳидлар тақвоси, ошиқлар ишқи, эранлар жасорати, ташаббускорлар ғайрати, оқиллар

¹Бундай тасаввур асосан Янги давр Европа илмига хос бўлиб, бизга Европа маданиятининг таъсири сифатида Янги давр маърифатчиларининг сайъ-ҳаракатлари орқали кириб келган.

тадбири, ҳаё эгаларининг андишаси, сиддиқлар ибоси, оналар меҳри, оталар бағрикенглиги, гўдақлар беғуборлиги, кексалар улуғворлиги - барча-барчаси инсон учун ибратдир.

Ёмондан ёмонликни англаб, ундан қайтмоқ ибрат, яхшидан яхшиликни англаб унга эргашмоқ-ибрат. Ўғрининг тақдири- ибрат, фоҳишанинг фожиаси- ибрат, фотиҳлар умри -ибрат, сотқинлар тубанлиги -ибрат. Нима ибрат эмас? Барчаси ибрат.

Ибрат ола билмоқ - маънавият, кўриб - ибрат олмаслик - маънавий сўқирликдир. Аммо ибрат тақлид эмасдир, ибрат ўрнига тақлид - дил кўзининг кўрлигига далолатдир, қачонки, кимдаки, қаерда, қайси замонда ибрат ўрнини тақлид эгалласа, маънавиятнинг ўлгани - ана шу. Масалан, Пайғамбаримизнинг аёлларга муносабати. Ул ҳазратнинг аёлларга бўлган шафқати, меҳри, ҳилми, садоқати, адолати - ибрат. Ул ҳазрат ҳаёти воқелигидан фақат кўп хотин олишга рухсатни кўриш - ҳамоқат, ул ҳазратни кўп хотинликда айблаш - мусулмон учун хиёнат, ўзга учун тухмат. Ҳар икки охирги ҳукм - моҳиятдан узоқ зоҳирбинлик ва жаҳолат, шайтон васвасасидир. Бир неча аёлга уйланиб, уларга пайғамбар шафқати, меҳри, адолати ва ҳимматини кўрсата оламан деб, ўз-ўзига фириб бериш - такаббурлик, шахватпарастлик ва ғафлатнинг биргалашиб инсоф ва инсон тафаккури устидан ҳукм ўрнатиши, инсон маънавий ҳалокатининг ибтидосидир. Маърифатнинг яна бир буюк ўчоғи илмдир. Илмни Шахс камолотининг иккинчи босқичи деб ҳисоблаш мумкин. Агар боланинг илк тарбияси кўпроқ атрофидаги катталардан ўрганиш, ўқиган-эшитган эртақ қаҳрамонларидан ибрат олиш асосида бўлса, ўсмир ёшига ўтишидан унинг шуурида ҳаёт ҳодисаларига таҳлилий ёндошув уйғонади. Мактабда ҳам шу сабабли алоҳида фан асосларидан таълим бериш 6-7 синфлардан бошланади. Махсус илмларга чуқур кириб бориш эса олий ўқув юртларида амалга оширилади. Демак, илмий тафаккурнинг шаклланиши балоғат ёши билан боғлиқ. Албатта, ҳаётга илм асосида ёндошув барчада бир хил даражада бўлиш қийин. Ҳақиқий илмга қобиллик алоҳида истеъдоддир.

Илм - тафаккур билан бўлади, ахборот йиғиш илмга тайёргарлик бўлиши мумкин, ундан ортиқ эмас. Илм - асли аجدодлар ибратидир, ўтганлар, биз кўрмаганлар ҳақида хабар орқали ибратдир. Пайғамбаримиз ҳаёти - ибрат, Имом ал-Бухорий ҳаёти ва фаолияти ибрат, “Жомеъ ас-Саҳиҳ” китоби эса илмдир. Форобийнинг илм йўлидаги фидоийлиги ибрат, “Фозил шаҳар фуқароларининг карашлари” рисоласи эса илмдир. “Қонун фи-т-тиб” - илм, Ибн Синонинг илмга чанқоқлиги эса ибратдир.

Биз Форобий ва Ибн Сино илмини ўзлаштиришга астойдил бўлмасак, аммо фарзандимизга уларни ибрат қилиб кўрсатсак, “Жомеъ-ас-саҳиҳ”ни

Ўзлаштирмасдан пайғамбаримизга меҳру садоқатдан лоф урсак, риёдир, мунофиқликдир, бу билан фақат ўзимизни инсонлар ва Аллоҳ олдида шарманда қиламиз, гуноҳларимизни кўпайтирамиз, жаҳолатимизни фош этамиз. Аммо жаҳондаги барча илмларни инсон эгаллаб улгура олмаслиги ҳам маълум. Дунёнинг иши илм ва фаросат билан бўлур. Дарвоқе - фаросат ҳам Аллоҳнинг инъоми - маънавият нуридир. Инсон ўзига нима ва қай даражада лозим эканлигини фаросат билан (ва фаросатига яраша) аниқлаб олади. Содда бир мисол: Ибн Синонинг “Қонун-фи-т-тиб” китобини мукаммал ўзлаштирмаган кишини айблаб бўлмас, Инсон маънавий камолоти - бу билан белгиланмас. Аммо ҳар бир шахс ўз соғлиғининг қадрига етиш даражасида, ҳар бир она ўз фарзандини соғлом вояга етказиш зарурати даражасида тиб илмидан баҳраманд бўлмоғи айни маънавий камолотга ишорадир. Илм - ҳосил қилинган билимни идрок этмоқдир. Аммо илмни фақат рисоалардан, қоғоз юзидан қидирмоқ ҳам етарли эмас. Саводсиз деҳқоннинг зироат илми баъзи ўқиб-укмаган ёлғон академикникидан бир неча бор юқори ва мукаммалроқ бўлиши мумкин. Ер илми, табиат илми - ёлғиз китобдан ўзлаштирилмайди, ерга, табиатга, ҳар бир кўкат ва жонли мавжудотга меҳр билан, эътибор ва идрок билан белгиланади.

Саркардалиқ илми, умуман, раҳбарлик илми - санъат даражасидаги илмдир, ҳарбий маҳорат ҳақида минг бир китобни ўқиган одам лашкарни жабҳада ғалабага еткази олишига ҳеч ким кафолот бера олмайди. Бир сўз билан айтганда, илм фақат китобда эмас, аммо китоб ўқимай илмга эришаман, дейиш ҳам оқилликдан ташқаридир.

Халқимизнинг VIII-XV асрлар ягона ислом минтақа маданияти доирасида маънавий камолоти миллатимизнинг бугунги маънавий қиёфаси шаклланивида айрича аҳамиятга эга бўлди. Бу давр аجدодларимиз меросидан хабардорлик, ушбу маънавий такомил жараёнини тўғри идрок этиш миллий маънавиятимизнинг таркибий жиҳатлари ҳақида салмоқли тасаввур беради.

Ислом минтақаси доирасидаги яхлит маънавий такомил жараёни - инсоннинг ўзлигини англаш йўлидир. Бу йўлнинг асл моҳияти Тавҳид эътиқоди бўлиб, уни ибтидода ибрат даражасида, ахлоқий камолот эгаларига эргашув тариқасида қабул этилган бўлса, кейинроқ ақл, мантиқий тафаккурга таяниб, умумбашарият яратган яхлит илмий ва маданий меросни англаб етишга интилиш кучайди. Борлиқнинг ягоналиги ҳақидаги илмий-фалсафий тасаввур шаклланди, ягона борлиқ моҳиятига қарашлар хилма-хиллиги идрок этилди. Эътиқод илм билан мустаҳкамланди. Инсон ўзини ва воқеликни тушунишда асотир тафаккур босқичидан илмий тафаккур босқичига кўтарилди. Аммо илм, ақл қудрати инсон ва жамият маънавий такомил учун етарли эмаслиги сезилиб қолди. Ирфоний такомил, риёзат йўли минтақа

халқлари маънавиятида тобора кенг кўлам касб этди. Ҳақиқат ишқи ирода кудратини синай бошлади. Инсон ҳақиқат йўлида ўзликдан кечишни ўрганди. Диллар худбинлик зангидан поклана бошлади. Албатта, орифлик ҳар кимга ҳам насиб этмайди, валийлик рутбаси бугунги бизнинг тасаввурларимиздан беҳад юқоридир. Лекин маънавият ҳақиқат йўлида руҳият сафарбарлиги эканлигини аждодлар бизга англашди.

Тасаввуф аҳли, яъни сўфийлар, ибрат ва ақлга, билимга таянишни етарли деб топмай, риёзат йўлини, руҳий сафарбарлик, ирода кудратини намойиш этиб, нафсни поклаш йўллари ишлаб чиқидилар. Тасаввуф маърифати ўзи бир ҳудудсиз олам. Унинг ўз мақом ва ҳоллари мавжуд. XII-XIII асрларда ўндан ортиқ тасаввуф сулуклари (йўллари) шаклланган. Жумладан, Марказий Осиёнинг ўзида Яссавия, Қодирия, Кубравия каби турли йўналишлар кенг урф бўлган. Буларнинг ҳар бирига батафсил тўхталинса, сўз узаяди. Риёзат чекиб кўнгилни поклаш, уни худбинлик зангидан тозалаш тасаввуф сулукларининг асл мақсадидир. Инсон ўз бошига тушган, ҳаётида рўй берган қийинчиликлар, турли бало-ю кулфатларга чидаши, тоқат қилиши сабр-бардош дейилади. У ҳали риёзат эмас. Ҳақ йўлида онгли равишда инсон ўз олдига улуғ бир мақсадни белгилаб, унга етишиш учун ихтиёрий равишда барча қийинчиликларни бўйинга олиб, тўсиқларни енгиб ўтиб, олға интилишигина риёзат бўлади. Инсон риёзат чекмай умуман бирор нарсага эришиши қийин. Халқимиз шунинг учун, содда қилиб, “жондан кечмасанг, жонона қайда”, дейди. Дарҳақиқат, риёзатсиз на у дунё, на бу дунё саодати инсонга насиб бўлмайди.

Аллоҳнинг инояти билан тасаввуф ирфони бизнинг заминда такомил чўққисига кўтарилди. Ҳазрати Баҳовуддин касб этилган ирфоний қувватни эзгулик йўлида амалий фаолиятга татбиқ этишга даъват этди. Хожа Аҳрор ва Жомий, Алишер Навоий ва Махдуми Аъзамдек маънавият дарғалари ушбу йўлда юксак намуна кўрсатдилар.

Тасаввуф ирфонида аввал зуҳду такво етакчи мақом тутган бўлса, кейинроқ илоҳий ишқ тушунчаси юқори ўринга кўтарилди. Бу туйғу охири-натихада инсонни фанодан бақога олиб чиқувчи асосий восита деб топилди. XIV асрга келиб Марказий Осиёда тугал шаклланган нақшбандия сулуки ҳазрати Баҳовуддин Нақшбанд олға сурган машҳур “дил ба ёру, даст ба қор” шиори орқали маънавий камолот эгаларини янги, юқорироқ босқичда амалий фаолликка ундади. Айни шу даврдан мумтоз адабиётда янги йўналиш, Навоий таъбири билан айтганда, “мажоз тариқи” шакллана бошлади. Бу йўналишнинг моҳиятида янгича талқин этилган “мажоз ишқи” ётади. Ҳанузгача мумтоз адабиётимизга доир тадқиқотларда Алишер Навоий аниқ фарқлаб берган “ҳақиқат тариқи” ва “мажоз тариқи” йўналишлари мавжудлиги жиддий эътиборга олинмайди, “мажоз ишқи” ибораси жўнгина “дунёвий ишқ” деб талқин этиш билан чегараланади. Дарҳақиқат, ирфоний

адабиёт намояндалари “мажоз” тушунчасини шундай тушуниб ва тушунтириб келганлар. Аммо мумтоз адабиётда Амир Хусрав Деҳлавийдан бошлаб “ишқи мажозий” тушунчасининг талқини ўзгара бошлади. Алишер Навоий умрининг охирида ушбу янгича талқин моҳиятига илмий аниқлик киритиш мақсадида “ишқ”ни икки (“ишқи ҳақиқий” ва “ишқ мажозий”) эмас, балки уч қисмга ажратиб: “авом ишқи”, “хос ишқи”, “сиддиқлар ишқи” деб атади. Шундай қилиб, биз “дунёвий муҳаббат” деб таърифлайдиган “авом ишқи”дан ҳам, “илоҳий муҳаббат” деб ажратадиган “сиддиқлар ишқи” ёки “ишқи ҳақиқий”дан ҳам фарқ қилувчи алоҳида маънавий воқелик – “хос ишқи” мавжудлиги аниқ бўлди. Унинг асл моҳияти поклик, беғаразлик билан боғлиқ. “Хос ишқ” эгалари инсонга, бутун воқеликка “Олий ҳақиқатнинг мазҳари”(инсон кўзига намоён бўлиши) деб қарайдилар ва шунга мувофиқ муносабатда бўладилар. “Мажоз ҳақиқатнинг кўпригидир”, деган ҳадиснинг мазмун-моҳияти шунда. “Хос ишқ” эгалари фанода бақони севадилар, инсонга “ҳақиқат асрорининг ганжинаси” бўлган кўнгил мулки туфайли меҳр кўядилар.

Алишер Навоий бадиий-фалсафий ижодида миллат маънавияти ўзининг энг олий босқичига кўтарилди. Буюк шоир пок инсоний меҳрни маънавиятнинг туғросига айлантirdи. Навоий маънавияти тимсолида эътиқод ва илм, ирода қудрати ва меҳр, фидоийлик ва донишмандлик ягона моҳият касб этиб, миллат маънавиятини камолотнинг олий босқичига олиб чиқди.

Асл маъносига диққат қилсак, ўзбек тилидаги “меҳр” сўзи Навоийлар даврида “мажоз ишқи”, “хос ишқи” деб таърифланган туйғунинг моҳиятини ифодалайди. Русларнинг аччиқ мақолларидан бирида “любовь зла”... дейилган жумла бор. Ўзбекнинг “меҳр” тушунчасида ана ўша “зло” йўқ, ғараз йўқ. Ота ва она меҳри, фарзанднинг ўз қиблагихи ва волидасига бўлган меҳри, оға-ини, опа-сингиллар аро меҳр, Ватан меҳри, табиат ва ундаги турли жонзотларга нисбатан меҳр туйғуси, дўст меҳри - буларнинг барчаси ғараздан холи, табиий ва самимий меҳр намуналаридир. Нафақат инсон боласини, балки турли ҳайвонларнинг жажжи болачаларини кўрганда инсон дилида ажиб ширин туйғу кўзғолади. Бегуноҳ гўдакнинг маъсум қиёфаси, жовдираб сиздан меҳр кутиб турган кўзлари инсонни бефарқ қолдирмайди, беихтиёр жилмаясиз, эркалаб сўзлар айтгингиз келади. Меҳр туйғуси инсон учун улуғ илоҳий тухфадир. Бу туйғудан инсон ўзини маҳрум қилса, бу дунёнинг ўзида дўзах азоби ўртанишида қолади. Чунки инсон бировга меҳр бахш этмай, бировдан меҳр кўрмай яшай олмайди.

Риёзат йўли ва меҳр туйғуси барча ёш учун хосдир. Аммо инсон оила кургач, унинг ҳаётида ҳалол ризқ билан турмуш ўтказмоқ, фарзанд тарбияси билан шуғулланиш каби жиддий синовлар пайдо бўладики, булар энди ибрат ва илмнинг ўзи билан бўладиган савдолар эмас. Илм йўлида ҳам риёзат чекилади, аммо ҳалол ризқ билан рўзғор тебратиш, солиҳ фарзандлар ўстириб, вояга етказиш бу аслида Борлиқ ҳақиқатини амалий фаолият жараёнида бутун вужудингиз билан ҳис қилишга олиб келувчи ҳақиқий маърифат мактабидир.

Инсоннинг 30-40 ёшлик даврлари асосан риёзат билан ўтса, ҳақиқий беғараз меҳр туйғуси одатда 50 ёшлар атрофида шаклланади, дейиш мумкин. Бобо ва бувининг набирага меҳри айти шу беғараз меҳрнинг ёрқин намунасидир. Ўғил-қиз мени қариганимда боқади, парвариш қилади деб умид қилиш мумкин. Набиралар деярли бобо-бувиларни боқмайдилар. Чунки уларнинг кўлидан бир иш келгунча катта авлод борми-йўқми? Аммо “набира боладан ширин” дейилиши бежиз эмас. Ҳақиқатан ҳам чол-кампирилarning набираларга меҳри инсоннинг янги туғилиб келаётган ҳаётга беғараз муҳаббатидир. Албатта, айтганларимиз оддий бир ҳаётий мисол. Асли меҳр туйғуси ниҳоятда улуғ инсоний ҳиссиётдир. У ҳақда Алишер Навоийдан ўтказиб сўз айтиш қийин.

Хуллас, “маърифат” Ҳақиқатни англаб етиш йўли бўлиб, ўзлигини англаб етган инсон Ҳақни англаб етади, уни тасаввуф истилоҳида Ориф дейдилар, ҳозирги тилимиздаги “зиёли” тушунчаси асли ушбу даражада бўлмоғи керак, фақат “интеллигент” (яъни ақл соҳиби) эмас. Маънавий баркамоллик ҳам шунинг ўзидир. Ибрат, илм, риёзат, меҳр барчаси маърифат йўллари бўлиб, инсон уларнинг барчасини босиб ўтмай туриб баркамол бўлмайди, мукаммал маънавий қиёфа касб этмайди.

Хулоса

Аждодларимиз меросида баён қилинишича, маънавият кўнгил кўзгусидан таралган нур, у инсон қалбида яширинган. Демак, “Маънавиятшунослик” фанининг асосий вазифаси ҳам руҳ тарбияси, кўнгил кўзгусига сайқал беришда ҳар бир шахсга кўмаклашувдир. “Маънавиятшунослик” фани инсоннинг Борлиқ ҳақиқати²га нисбатини ўрганади. Бунинг учун маънавият муаллими, файласуфдан фарқли ўлароқ, ўз мулоҳазаларини соф мантикий мулоҳазалар тарзида эмас, балки маънавий меросга, бу соҳада аждодларимиз эришган бекиёс ютуқларга асосланган ҳолда олиб боради, яъни бу фан, маълум маънода, тарихий-назарий фандир. Унинг теранлиги ва кўлами аждодларимизнинг минг йиллар давомида тўплаган яхлит тарихий-маънавий тажрибаси билан белгиланади, шу билан бирга халқ донишмандлигининг турли суратларда зухур этиши ҳам ундаги назарий хулосаларнинг манбаи бўлиб хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан қараганда яна бир жиҳатни таъкидлаб ўтиш лозимки, жаҳон илмида маънавиятга оид масалалар махсус фан сифатида изчил ўрганилмаганлиги туфайли бугунги кунда маънавиятнинг умумбашарий муаммоларини кенг миқёсда ўрганиш учун тадқиқий асос етарли эмас. Шу сабабли бу соҳанинг назарий асосларини ишлаб чиқишда биз асосан ўз аждодларимиз яратган назарий меросга таянишга мажбурмиз. Қолаверса, ҳеч бир халқ ўзга халқлар маданияти, урф-одатлари, фалсафий тизимлари, мафкура ва дунёкараши асосида яшамайди, улардан кўр-кўрона кўчирма қилиб барака топмайди. “Албатта, ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади”.³ Шундай экан, ҳозирги кунда асосан миллий маънавиятимиз тарихий таржибасига таянган ҳолда ишлаб чиқиладигани бежиз эмас. Шу билан бирга миллий маънавиятимиз ҳечқачон умуминсоний қадриятларга зид бўлмаганини ва унинг назарий асослари ҳам умумбашарият манфаатларини унутмаган ҳолда шакллантирилиши лозимлигини унутмаслигимиз лозим. Бу масалалар ҳар бири ушбу китоб саҳифаларида батафсил ёритилади. Миллий маънавият ўтмиш эмас, у ҳам ўтмиш, ҳам бугун, ҳам келажакни ўзида мужассам этади. Бунинг учун унинг манбаи сифатида биз фақат

²“Борлиқ ҳақиқати” тушунчасига китобнинг 5-бобида мукаммал изоҳ берилган.

³Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., “Маънавият”, 2008. С.29-30.

аждодларимизнинг ёзма меросига таяниб қолмай, балки ушбу меросдан англаганимизни бир пайтнинг ўзида халқнинг тирик хотираси билан, унинг маънавий қадриятлари билан қиёслаб, уларнинг уйғун жиҳатларига эътибор қаратишимиз лозим бўлади. Шу билан бирга тарих тажрибаси ва синовларидан ўтган қийматларни умумбашарий қадриятлар билан уйғунлаштириб, ҳозир ва келажак учун аҳамияти нуқтаи назаридан баҳолаш кўзда тутилади. Хуллас, миллий маънавият назарияси воқеликни фақат онг билан, ақл билан тушуниб етиш тажрибасига эмас, Ҳақиқатни англаб етишнинг барча воситалари, эътиқод, ибрат, тақво, риёзат, ирфон, меҳр, дид-фаросат, амалий яратувчилик фаолиятининг барча турларига эътибор қаратиб, миллатнинг барча амалий ва назарий тажрибасини ўрганишга интилади, ушбу тажрибани онгли ўзлаштиришда ҳар бир инсонга кўмаклашади, мақсад - битта, кўнгил кўзгусига сайқал беришда ҳар бир шахсга иложи борича ёрдам бериш. Инсон руҳида табиатга нисбатан, ўзгаларга нисбатан меҳр ва адолат туйғулари шаклланишига унинг моддийлиги билан бевосита боғлиқ бўлган нафси аммораси⁴, яъни ғафлат, шаҳват ва кибр каби қусурлар доимо ҳалақит бериб туради, шунинг учун ҳар бир киши ҳаётга, ўз фаолиятига сергак боқиши лозим. Ушбу иллатлар ҳар бир инсон фитрати билан боғлиқ бўлгани туфайли инсон моддий мавжудот сифатида тирик экан, унинг руҳиятидаги турли таъсирларни мувозанатловчи куч керак. Айни шу куч - маънавиятдир.

Маънавият инсондаги яратувчилик қудратидир, инсонда шу қудратни уйғотиш ва ҳаракатга келтиришга муваффақ бўлинса, барча улугвор режаларни амалга ошириш учун воқеъ имкон вужудга келади. Масалага бугунги жаҳон тараққиётининг илғор тамойиллари даражасида ёндошилса, миллий таълимнинг энг муҳим вазифаси ҳам ана шу имконни шакллантириш, яъни ёш авлод руҳида яратувчилик қудратини уйғотиб, уни башарият тараққиётига хизмат қилувчи муайян ўзанлар сари йўналтира билиш билан белгиланади.

Мустақиллик даврида Ўзбекистон Президенти И.А. Каримовнинг бевосита ташаббуси билан барча даражадаги таълим тизимида “Маънавият асослари” алоҳида ва махсус фан сифатида ўқитила бошланди. 1997 йилдан бутун ўқув юртларида “Маънавият асослари” фанини ўқитиш жорий қилиниши юртимиз маънавий ҳаётида муҳим ҳодиса бўлди. Тўғриси тан олиш керак, ўша пайтда нафақат Ўзбекистонда, балки бутун дунё миқёсида шундай фан борлигини биров билмас эди. Фақат 1996 йил охирларида бу

⁴“нафси аммора” – “амр этувчи, яъни буйруқ берувчи нафс” дегани бўлиб, жиловланмаган, яъни тарбияланмаган нафсни билдиради. Бундай нафс эгаси фақат ўз моддий хоҳиш-истаклари йўлида ҳаракат қилиб, ўзгалар билан ҳисоблашишни мутлақо истамайди, унда маънавий интилишлар деярли бўлмайди.

йўналишда илк рисоалар нашр этилган бўлиб, улар бир гуруҳ муаллифлар ҳамкорлигида ёзилган “Ватан туйғуси” китоби, А.Эркаевнинг “Маънавият – миллат нишони” ва М.Имомназаровнинг “Миллий маънавиятимиз такомил босқичлари” рисоалари эди. Орадан ўтган 11 йил мобайнида бу соҳада анча-мунча ишлар қилинди. Бирқанча китоб ва рисоалар, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, мактаблар учун қатор дарслик ва қўлланмалар чоп этилди. Айниқса, Ўзбекистон Президенти И.А. Каримовнинг маънавият масалаларига алоҳида эътибори, унинг бу соҳага бағишланган қатор асарларининг нашр этилиши (1994 йилдаги - “Истиқлол ва маънавият” китоби, 1997-98 йилларда ўзбек ва рус тилларида нашр этилган «Маънавий юксалиш йўлида» ва «На пути духовного Возрождения» асарлари, 2008 йили “Маънавият” нашриётида босилиб чиққан “Юксак маънавият – енгилмас куч” номли алоҳида асари) ушбу соҳанинг мустаҳкам оёққа туришида катта аҳамиятга эга бўлди. Шундай қилиб, бугунги кунда ишонч билан айтиш мумкинки, “Маънавиятшунослик” алоҳида фан сифатида шаклланиб келмоқда ва бу соҳада талай ютуқларга эришилганини қайд этилса муболаға бўлмайди. Кейинчалик шу соҳада кадр тайёрлаш масаласи йўлга қўйилиши муносабати билан охириги йилларда бу фан ҳам тармоқланиб, “Маънавиятнинг ривожланиш тарихи” “Маънавиятнинг диний асослари”, “Ахлоқнинг маънавий асослари”, “Санъатнинг маънавий асослари”, “Оила маънавияти” “Миллий мустақиллик ва маънавият” каби янги-янги курслар ўқув режага киритилмоқда. Аммо ҳали ёш авлод маънавий тарбияси йўлида қилиниши зарур бўлган ишлар кўп. Қолаверса, бу соҳадаги ишларимизнинг жаҳон фани ва инсоният маънавий такомилли йўлидаги аҳамиятини ҳам унутмаслигимиз керак. Хуллас, “Маънавиятшунослик” жаҳон илмида ўз ўрнини эгаллашга дадил интилаётган янги фан бўлишига қарамай, унинг режалари - улкан, ниятлари – улуғ. Унинг мустаҳкам оёққа туриб олиши, кўп жихатдан, илгаридан мавжуд бўлиб келган унга ёндош ва туташ турли фан эгаларининг холислиги ва хайрихоҳлигига ҳам боғлиқ. Ҳозирги кунда нашр этилаётган баъзи ўқув қўлланмаларда “Маънавиятнинг предмети, тушунчалари...” деган жумлалар сарлавҳага чиқиб қолмоқда. Илмий жихатдан ёндошганда бундай дейиш унчалик тўғри эмас. Албатта, баъзан шундай ҳолатлар учрайдики, фан мавзуси билан номи бир хил бўлиб қолади. Масалан, биз фалсафани ўрганадиган фанни ҳам “Фалсафа” деймиз, тарихни ўрганадиган фанни “Тарихшунослик” деб ўтирмай, оддий қилиб “Тарих” деймиз, Ахлоқшунослик, Иқтисод назарияси, Адабиётшунослик фанлари ҳам баъзан халқ тилида қисқа қилиб “Ахлоқ”, “Иқтисод”, “Адабиёт” деб ишлатилади. “Физика”, “Этика” фанларининг номи ҳам аслида ушбу фан мавзулари номи билан аталган. Аммо барибир ҳаётнинг муайян соҳаси билан

ушбу соҳани назарий ўрганишга қаратилган илм йўналишини фарқ қилган дуруст.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. И.А.Каримов «Юксак маънавият-енгилмас куч» Т-2008.
2. И.А.Каримов «Истиклол ва маънавият». Т.-«Ўзбекистон»- 1994,
3. И.А. Каримов «Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараккиёт йули» Т-1992.
4. И.А.Каримов «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир»Тошкент1995
5. И.А.Каримов «Ўзбекистон 21 аср бўсағасида» Тошкент – 1997.
6. И.А.Каримов «Янгичафикрлаш ва ишлаш – давр талаби» 5-Том. Т-1996
7. И.А.Каримов «Ўзбекистон XXI асрга интилоқда»"Ўзбекистон"нашриёти, 2000 й.
8. И.А.Каримов «Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз» Том 7. Тошкент-1999.
9. И.А.Каримов «Биздан озод ва обод Ватан қолсин»Тошкент-1996
- 10.«Қуръони карим маъноларининг таржимаси». Т., 2001.
- 11.М. Имомназаров» Миллий маънавиятимиз асослари» Т-2006.
- 12.М.Имомназаров, М.Лапасов, М.Собирова «Маънавиятшунослик» («Теория и история национальной духовности») Тошкент - 2012
- 13.Абдуллашер «Ахлоқшунослик»
- 14.Э. Юсупов «Инсон камолотининг маънавий асослари». Т., «Университет»,1998,
- 15.С.Отамурастов, Ж. Раматов, С.Хусанов «Маънавият асослари» («Маърузалар матни»). Т. 2000,
- 16.Б. Зиёмуҳаммадов, С. Зиямуҳаммедова, С. Қодирова «Маънавият асослари». Т., «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2000,
- 17.Гудзенко «Рус маънавияти». М., АИФ-Принт, 206,
- 18.Э.Юсупов « Инсон камолотининг маънавий асослари».Т-1998
- 19.“Маънавиятнинг ривожланиш тарихи”
- 20.З. Гофуров «маънавий юксалиш ва ҳукукий баркамоллик» II қисм Тошкент-2007.